

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС  
ИНСТИТУТИ

1989

М. Бўриев  
Н.М. Маматқулова



# АҲЛОҚШУНОСЛИҚ

САМАРҚАНД - 2016

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА  
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

---

**САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС  
ИНСТИТУТИ**

**Ижтимоий фанлари кафедраси**

**М. М. Бўриев  
Н.М. Маматкулова**

**АХЛОҚШУНОСЛИК**

**Самарқанд - 2016**

87. 7

БЗ13

Ахлоқшунослик фанидан ўкув-услубий кўлланма. – Самарканд:  
СамИСИ нашри, 2016

Тузувчилар: Доцент М.Бўриев  
Н. Маматкулова

Тақризчилар: Доцент Л.Н. Жўраев

Услубий кўлланма СамИСИ Ижтимоий - гуманитар фанлари кафедраси  
йигилишида кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия килинган 2016 йил январ  
баённома №

Услубий кўлланма СамИСИ ўкув – услубий бирлашма йигилишида  
кўриб чиқилган ва чоп этишга тавсия килинган.

2016 йил, январ баённома.

**Самарканд иқтисодиёт ва сервис институти, 2016.**


## Кириш

Мустакилликка эришганимиздан кейин барча фанларда бўлгани каби фалсафий фаъларга бўлган муносабат ҳам ўзгарди. Фалсафий фанлар мафкура сиртмоғидан том маънодаги вазифаси – донишмандликка ўргатиш томон юз тутди.

Жамият фалсафасидан маълумки, унда юз берадиган туб' сифат ўзгаришлар, инқилобий ўзгаришлар жамиятда яшайдиган барча инсонлар онгида, маънавиятида, қадриятлар тизимида ижобий янгиланишларга олиб келади. Президентимиз И. Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли» номли асарида таъкидлаганидек: «Чукур ўзгаришлар бизнинг хаётимизга шиддат билан кириб бормоқда. Содир бўлаётган туб силижлар дунёнинг ҳозирги киёфасини ўзгартириб юбормоқда. Ҳалкнинг озодлик, мустакиллик ва баҳт-саодатга азалий интилиш, ўз тақдирини ўзи белгилашга азму карори мана шундай ўзгаришларнинг харакатга келтирувчи кучидир»<sup>1</sup>.

И.А.Каримов ахлоқка эътиборни каратар экан, ахлоқни маънавиятни ўзаги эканлигига ургу беради. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки маънавият инсонни рухан покланиш, қалбан улғайишга чорлайдиган, иродасини бакувват, иймон-эътиқодини бутун киладиган куч экан, у бевосита ахлоқ билан узвий алоқадорликдадир. Шу маънода маънавият жамиятда кечеётган гоявий – мафкуравий, маданий, диний, ахлоқий ўзгаришларни ўзида намоён этади. «Албатта, фарзандларига меҳр кўйиш, уларнинг корнини тўқ, устуни бут қилиш ўз йўли билан, лекин болаларимизни ёшлиқ чогидан бошлаб миллий тарбия, ахлоқ-одоб, юксак маънавият асосида вояга етказишимиз учун доимо долзарб аҳамият касб этиб келган. Бу масалага эътибор бермаслик нафакат кимматига тушишини ҳам кўпгина ҳаётий мисолларда кўриш мумкин». Яъни маънавият ва ахлоқ муштараклиги ҳалој, пок яшайдиган, эътиқоди

<sup>1</sup> Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқолол ва тараққиёт йўли.



бутун бўлган комил инсонларни тарбиялашнинг асоси бўлиб хизмат қилади. Комил инсон тарбиясида эса асосий ахлоқий категория ва тамойиллар мухим аҳамият касб этадики, бу ҳам ахлоқшунослик фанининг жамият ҳаётида мухим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади.

Колаверса собиқ иттифоқ даврида таъкиқлаб кўйилган, ёхуд камситилган миллий ахлоқий қадриятларимиз, байраму урф-одатларимиз мустақилик шароитида янгича мазмун кашф этаётганлигини кўриш мумкин. Бу фикрларнинг тасдиғи сифатида ўкув кўлланмада дунё ахлоқшунослигига маълум бўлган ахлоқий тамойиллар қаторида «ўзбекчилик», «меҳмондўстлиқ» каби тушунчалар пайдо бўлганлигига эътибор қаратилди. Колаверса ўкув кўлланмада намунавий ўкув дастурига мувофиқ, унда келтирилган мавзуларгагина ўрин ажратилди ва ушбу мавзуларнинг мазмуни очиб беришга ҳаракат қилинди.

## **1-Мавзу АХЛОҚШУНОСЛИК ФАНИ. УНИНГ ТАДҚИҚОТ ДОИРАСИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ**

1. Ахлоқшунослик фанининг предмети, мөхияти, унинг асосий белгилари.
2. Ахлоқнинг пайдо бўлиши ҳакидаги пайдо бўлиши ҳакидаги диний, эмпирик ва генетик концепциялар.
3. Ўзбекистон мустакиллигининг ахлоқшунослик фани ривожига кўшган ҳиссаси.
4. XXI асрда глобал этосфера (ахлоқий мухит)ни яратишнинг зарурияти.

Ахлоқшунослик бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий фандир У бизда «Илми равиши», «Илми ахлоқ», «Ахлоқ илми», «Одабнома» сингари номлар билан атаб келинган. Европада эса «Этика» номи билан машҳур бўлган. Уни биринчи марта юони файласуфи Арасту муомалага киритган. «Этика – ахлоқ муаммолари ҳакида гапиришдан аввал биз ахлоқ нимага тааллукли эканлигини аниклаб олишимиз керак... Ахлоқ сиёсатнинг таркибий қисмидир». Чиндан ҳам муайян ахлоқий фазилатларга эга бўлмаган одам (таникли жамоат арбоби сифатида) фаолият кўрсатиши мумкин эмас<sup>1</sup>. У ахлоқ-одоб масаларига багишлаган бу асарини «Никомах этикаси» деб атайди. Бу унинг ўлига багишлаган бўлиб, тўғри юриши-туриши, ахлоқ-одоб ҳакидаги амалий насиҳатлар сифатида ёзилган асарида одоб-ахлоқ масаларига тўхталиб ўтади. Арастунинг фикрича, ахлоқ масаласини кенг ва атрофича ўрганиш ҳамда унинг тизимини яратишдан аввал баҳт-саодат нима эканлигини аниклаб олиш лозимдир. Иккинчидан, инсон баҳт-саодатга эришишга қодирми ёки йўқми? – деган саволга жавоб бериш керак. Учинчидан, баҳт-саодатга эришиш учун қайси йўлдан боришни англаш лозим. Тўртинчидан, инсон интилишларининг зиг буюқ мақсади баҳт-саодат эканлигини билиш лозим. Ҳакиқатнинг мазмуни шундаки, яхшилик мутлок гоя бўлиши мумкин эмас, чунки яхшилик борлик сифат ва муносабат категорияларига тегишилдири. Яхшилик турли-

<sup>1</sup> Арасту. «Ахлоқи қабир» «Магниа Моралия», Уммат Туйчиев., Махкам Махмуд таржимаси Тошкент, «Янти аср авлоди» 2015 йил 106 бет

тұмандықта үни биттә ғояға бөгләш мүмкін әмас. Агар яхшилик үз-үзіча мавжуд, деган тақдиримизда ҳам унинг ахлоққа алоқаси бүлмай, кишилар үнгә зриша олмасдилар. Ахлоқ әсә амалий масалаларни ҳал этади. Яхшилик түшүнчеси дейди, - Арасту, мақсад билан бөглиқ ва у хар доим үнгә интилади».

Арасту фанларни тасниф қиларкан, уларни уч гурухга бүләди: *назарий, амалий, ижодий*. Биринчи гурухға у *фалсафа, математика ва физикани*, иккінчи гурухға әсә – *ахлоқшунослық ва сиёсатни, учинчи гурухға әсә – санъат, хунармандашлық ва амалий фанларни киритади*. Шундай қилиб қадимги юнонлар ахлоқ ҳақидағи таълимотни фан даражасига күттарғанлар ва «Этика» деб атаганлар.

Ахлоқ – арабча хулқнинг күплиги, лотинча «моралус» – «қоидаги», «хулқ-атворға», «курф-одатға тааллукли», ахлоқлы кишилар орасыдаги муносабатларни тартибға солишининг үзиге хос усули, у ёки бу жамиятда қабул қилинган ва риоя қилиниши лозим бўлған тартиб, одоб, үзаро муносабат ҳамда мулокотнинг қонун-қоидалари, мезонлар йигиндиси ҳисобланади. Давр үзгара боргани сари ҳар қандай ҳодиса каби ахлоқ ҳам үзгаради, ривожланади, такомиллашиб маънавий маданиятларнинг кўринишларидан бирига айланади. Ҳар бир инсон тан оладиган ахлоқий қадриятлар, инсон мавжудлигининг үз-үзини тарбиялаш, тартибға солиш ва бошқарищнинг үзиге хос усулидир. Ахлоқ кишилар хулқ-атворлари, мулокотлари, муносабатларининг ёзилмаган, лекин жамият томонидан қабул қилинган ҳамда қўллаб-қувватланадиган «олтин қоидаларини» ифодалайди.

1

Ахлоқ биринчидан, умумијтимоий аҳамиятта молик бўлған қадриятларни, яъни бошка кишилар хукуқларини тан олиш, адолат, ҳадоллик, ишонч, садоқат, мулойимлик, бошқалар билан келиша олиш, тил топишиш, жамоада үзини тута билиш кабиларни үз ичига камраб олади.<sup>1</sup> Иккинчидан, ахлоқ

<sup>1</sup> Йўлдошев С., Усмонов М., Каримов Р. Қадимги ва ўрта аср Гарбий Европа фалсафаси. Тошкент, «Шарқ» шашриётси. Аритотеллининг ахлоқий қарашлари. 102-103 бетлар.

кишиларга хос сифатлар ва хислатларнинг муҳим томонини ифодалайди. Ахлоқ мураккаб тузулишга эга бўлган яхлит ижтимоий ходиса бўлиб, ахлоқий онг ахлоқий муносабатларнинг ифодаси ҳисобланади. Унинг таркибига ахлоқий хис-туйғу, ирода, акл-заковат, интуиция, хаёл, хотира кабилар киради. Ахлоқнинг субъекти инсон унинг мезони, баҳоси - виждан. Ахлоқка доир ҳатти-харакатлар, муносабатлар алоҳида олинган инсон, жамоа, ижтимоий гурӯхга хос бўлган хусусиятдир. Улар намуна кучига таянади ва идеаллар, ахлоқ меъёрлари, урф-одатлар, конун-коидалар, «виждон», «адолат», «бурч», «маъсулият», «бахт», «яхшилиқ», «ёмонлиқ» каби категориялар, шунингдек, шахснинг ахлоқий сифатлари раҳм-шафқат, меҳр-оқибат, беминнат ёрдам, ғамхўрлик, садокат ва бошқаларни ўз ичига олади. Ахлоқ жамият ҳаётни, ижтимоий муносабатлари билан белгиланади. Ахлоқнинг илдизлари урф-одатларга бориб такалади. Лекин ахлоқ билан урф-одат бир нарса эмас. *Урф-одат, ахлоқдан фарқли равишда, маълум бир қолинса тушган яъни стандартлашган, мавжуд ва бўлиши лозим нарсаларни ифодалайди.* Ахлоқ инсонга ўз йўлини танлаш, ўз хулк-автори, ҳатти-харакатлари муносабатларини белгилаб олиш имконини беради. Ахлоқий маъсулият туфайли инсон ўз ҳатти-харакатларини жамият ёки муайян ижтимоий гурӯх манфаатларига мослаштиришга, «яхшилиқ» сари йўналтиришга интилади. Ахлоқ инсон ҳаётининг барча томонларини шахсий ва ижтимоий, моддий ва маънавий кабиларга бевосита тааллуклидир.

*Ахлоқ – кишиларнинг юриши-туришиларида акс этади. Хулқ-авторларида, ўзларини кишилар орасида тутшишиларида намоён бўлади.*<sup>27</sup> Ахлоқ мезонлари ва намуналари жамият бағрида етилади, уларда илғари сурилган талаблар универсал ва барча учун баробар ва риоя килиниши зарурийдир. Инсоннинг маънавий жиҳатдан гўзал қилаётган одамийлик ва меҳнатсеварлик каби сифатлари ахлоқ шарти яна муҳим ўрин тутади. Инсон фарзанди билими, тажрибаси, шикоати, ташқи қиёфаси билан кишиларда ҳавас уйғотиши мумкин.

Ахлок шахс эркинлиги ва ижодкорлиги билан бевосита боғлиқдир. Шахс жамиятда мавжуд бўлган ахлокий қадриятларни таълаб олади, ўзлаштиради, мавжуд вазиятга татбиқ этади ва такомиллаштиради. Ахлокий баҳолаш жамоатчилик фикрига таянади. Ахлок барча инсон учун бирдек хизмат киладиган, қотиб қолган қоидалар йигиндиси эмас, балки инсон ва жамият хаёти давомида шаклланиб, сайқалланиб, такомиллашиб борадиган ижтимоий ходисалардир.

**Ахлоқшунослик ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишининг жамиятдаги ахлокий муносабатларини ўрганади.** Ахлокни умумий тушунчя сифатида олиб, уни доиря шаклида экс этирадиган бўлсақ доиранинг энг кичик кисмини одоб, ундан каттароқ кисмини хулқ, кенг қамровли кисмини ахлоқ эгаллайди.

**Одоб** – инсон ҳакида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамият ва инсоният ҳаётида у қадар муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли ҳатти-харакатларни ўз ичига олади. **Одоб – кичик ёшлиларни катталар дуосига сазовор этади:** ёшлилар у дуо баракасидан умрбод баҳраманд бўладилар. **Одоб** – улуғлар кўнглида ёшлиларга меҳр уйғотади ва у одобли ёшга бўлган муҳаббат кўнглда авадий қолади. **Ёшлиларни кўзга улуғ қилиб кўрсатадиган феъл-авори одобидир,** одоблиларнинг юриши-туришида ҳалқ-улугворлик кўради.

**Одоб кишилар тарафидан қилинishi мумкин бўлган ҳурматсизлик эшигини бекитади ва одамни ҳазил-мазаҳдан саклайди.** **Одоб – одам табиатига инсонийлик баҳси этади ва киши мизожига одамийлик манзилида ором беради.**

**Одобдан кичикларга шунчалик фойда етадиган бўлса, катталарга нечоғлиқ эканини тасаввур қилинг.** **Одоб ва тавозеъ – меҳр-муҳаббатнинг зеб-зийнатидир.** **Одобсизлик – дўстликка путур етказади.** **Одоб ва тавозеъ дўстлик ойнасига жило беради ва орага ёруғлик багишлайди».**

**«Одобли инсон барча одамларнинг яхинисидир ва барча ҳалқлар учун ёқимлидир.** У мансабдор кишилардан гўзалроқ ва бадавлат одамлардан

*хурматлироқдир. Одамни одам ўз тенгдошлари орасида ҳам таҳсинга лойиқ, ҳеч қандай эҳсон бермай каттадан - кичик, ҳаммани шод қилади: ҳеч қанақа ҳадя қилмай, кишиларнинг гамини тарқатади»<sup>1</sup>.*

*«Одоб – яхши ахлоққа, сўзда, амалда ҳам бошқаларнинг мактovига сазовор бўлиш, ўзини уятга қолишдан сақлайдиган ҳусусият каби фазилатларни ўз ичига олади. Араб тилинда «Адаб» сўзи чақирмоқ маъносида бўлиб, кишиларни яхшиликка чақигани ва ёмонликдан қайтаргани учун шу хислатни «одоб» деб атаганлар»<sup>2</sup>.*

Хулк – оила, жамоа, маҳалла-куй миқиёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний ҳатти-харакатлардир.

Ахлок эса – жамият, замон, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий ҳатти-харакатлар йигинидисидир. Ахлок ҳам ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида кишиларнинг жамиятдаги ҳатти-харакатлари, юриш-туришлари, яшаш нормалари, принциплари, коидалари, шунингдек, уларни ўзаро бир-бирларига ҳамда ижтимоий бирлашмаларига бўлган муносабатларини ифодалайди. Ахлок жамият тараққиётининг ilk боскичидаги пайдо бўлган. Унинг пайдо бўлишида кишиларнинг меҳнат фаолиятлари, иктисадий муносабатлари ҳал қилувчи роль ўйнайди. Инсон ҳаётидан, моддий ҳаёт шароитларидан ажралиб юзага келган ахлок бўлмайди. Ахлок жамиятда кишиларнинг ҳатти-харакатларини, хулк-авторларини тартибга солувчи эҳтиёжлар мавжуд бўлганлиги учун келиб чиқади.

Ахлок ва ахлокий муносабатлар котиб колган эмас, улар доимо ўзгариб туради. Кишиларнинг ҳаёт шароитлари, моддий шароитлари, улар яшаб турган ижтимоий тузум ўзгариши билан ахлок ва ахлокий тушунчалар ҳам ўзгариб, такомиллашиб боради.

<sup>1</sup> Алешер Навоий. «Махбуб ул-кулуб». Тошкент, F.Ғулом комидаги Адабиёт ва санъат нацириёти, 1983 . 48-бет.

<sup>2</sup> Имом Исмоил ал-Бухорий. «Ал-адаб ал-муфрад» (Адаб дурдоңалари). Тошкент. «Ўзбекистон», 1990. 45 бет.

Хар учала ҳодиса ва уларнинг зидди нисбийликка эга (Одоб - одобсиз, хулқ - бехулқ, ахлоқ - ахлоқсиз).

Прокурорнинг ахлоқсизлиги даражаси билан ўз якка ҳукмронлигини йўлида миллионлаб бегуноҳ инсонларни ўлимга маҳкум этган В.И.Ленин. И.В.Сталин. Гитлер. Пол Пот, Бин Ладен, сингари шахслар орасида фарқ бор. Агар прокурорнинг ахлоқсизлиги бир миллат ёки мамлакат учун зарар килса, тоталитар тузум ҳукмдорлари ҳатти-харакатлари умумбашарий миқиёсдаги фожеаларга олиб келади.

Бу ўринда шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ахлоқий тарбия натижасида одоблилий – хушхулқлика, хушхулқлилик – юксак ахлоқийликка айлангани каби, ахлоқий тарбия йўлга кўйилмаган жойда муайян шахс, вақти келиб, одобсизликдан – бадхулқлиликка, бадхулқлиликдан – ахлоқсизликка ўтиши мумкин.

Бизнинг юртда жамият баҳт саодати йўлида ҳалол меҳнат килиши, ижтимоий ва шахсий ҳаётида ҳалоллик, ростгўйлик, ахлоқий поклик, оддийлик ва камтаринлик зарур бурчини ўташ лозим.

Ахлоқшунослик қадимда физика ва метафизика билан биргаликда фалсафанинг узвий учинчи қисми ҳисобланар эди. Аристотелдан кейин алоҳида фалсафий йўналишдаги мақомини олди. Бу фикрни кўйидагича талқин этиш мумкин.

**Ахлоқшунослик ахлоқий тафаккур тараққиётини тадқиқ этади ва амалиётда инсонни эзгулик орқали ҳакиқатга олиб боришга хизмат килади. Шу боис уни ахлоқ фалсафаси ёхуд эзгулик фалсафаси деб аташ мумкин.**

Фалсафий фан сифатида уч йўналишда иш олиб боради, яъни ахлоқий тафаккур тараққиётини ўрганар экан, у ахлоқни баён қилади, у ахлоқни тушунтиради, ахлоқни ўргатади. Шунга кўра, у тажрибавий – баёний, фалсафий – назарий ва расмана мөъёрий табиатта эгадир. *Қадимгилар уни амалий фалсафа деб атаганлар*. У инсоният ўз тажрибаси орқали эришган донишмандлик намуналарини ҳикматлар, нақллар, матал-мақоллар тарзида

баён этади, кишиларни ахлоқий конун-коидалариға ўргатади, уларга ахлокнинг моҳиятини тушунтиради ва фалсафий хулосалар чиқаришга ёрдам беради. Ахлоқшунослик фанида Афлотун (Платон), Аристотель (Арасту), Эпикур, Цицерон Марк Туллий, Сенека, Аврелей Августин, Мұхаммад ал Форобий, Абу Али ибн Сино, Абу Ҳамид Мұхаммад Ал Ғаззолий, Барух Спиноза, Иммануил Кант, Фридрих Гегел, Фейербах, Фридрих Вильгелим Нитцше сингари буюк файласуфлар яраттан ахлоқ назариясига доир таълимотлар билан биргаликда «Патанжали», Ҳинд халқининг «Калила ва Димна», «Панчаратра», Кайковуснинг «Қобуснома», Сайдийнинг «Гулистон», Жомийнинг «Бахористон», Ҳазрат Мир Алишер Навоийнинг «Махбуб ул-қулуб», Лорашконинг «Ҳикматлар», Мұхаммад Шариф Гулханийнинг «Зарбулмасал» каби амалий ахлоққа бағищланган асарлари ҳам ўз мустаҳкам ўринга эгадир. Ахлоқшуносликнинг бошқа фанлардан фарқы ҳам ўзига хослиги ундаги назария билан амалиётнинг биргаликда келишидир.

Ахлоқшунослик бошқа ижтимоий-фалсафий фанлар билан ўзаро алокадорликда ривожланиб келмокда. **Унинг нафосатшунослик (эстетика)** билан алоқаси қадимий ва ўзига хос хусусиятта эга. Инсоннинг ҳар бир ҳатти-харакати ва нияти ҳам ахлоқийликка, ҳам нафосатга тегишли бўлади, яъни ижобий фаолият ҳам эзгулик (ички гўзаллик) ҳам нафосат (ташки гўзаллик) хусусиятларини ўз ичига олади. Шу боисдан Сокрот (Сократ), Афлотун (Платон), Абу Наср Форобий, Абу Али ибн Сино каби файласуфлар ҳам жуда кўп ҳолларда ахлоқийликни ички гўзаллик, нафосатни ташки гўзаллик тарзида талкин этганлар. Бундан ташкари, санъат нафосатшуносликнинг асосий тадқикот манбаси хисобланади. Ҳар бир санъат асарида эса ахлоқнинг долзарб муаммолари қўтарилиди ва санъаткор доимо ўзи яшаётган замонда эришилган энг юксак ахлоқий даражани бадиий қиёфалар оркали бевосита акс эттиради. Демак, нафосатшуносликни ўрганаётган ҳар бир асар айни пайтда, маълум маънода, ахлоқшунослик нутқи назаридан ҳам тадқиқ этилаётган бўлади.

Ахлоқшуносликнинг диншунослик билан алоқаси шундан иборатки, ҳар иккала фан ҳам бир хил муаммо – ақлоқий мезон муаммосини ҳал этишга каратилган. Чунки умумжаҳон динлар вужудга келганига қадар мавжуд бўлган маълум урф-одатлар ва қалриятлар муайян диний конун-қойдарларга, муқаддас диний китобларга катта таъсир кўрсаттан. Яхудийларнинг «Таврот» китоби, Хистианларнинг «Инжил» китоби, Ислом динининг «Куръони Карим» китоби алоҳида аҳамият касб этади. Айни пайтда, динлар ҳам ахлоққа ана шундай таъсир ўтказганлар.

Чунончи, Ислом динини оладиган бўлсак, Куръони Карим, Ҳадиси шариф, Муҳаммад ал-Бухорийни «Ал-Адаб ал-Муфрад» муайян фатволардаги мезонлар ҳамда талаблар мусулмон Шарки миллатлари ақлоқий даражасининг шакланишида катта аҳамият касб этган. Комил ийсон муаммоси ҳар иккала фан учун умумий хисобланади. Фарқ шундаки, ахлоқшунослик бу маоммога замонавий тарбия нуқтai назаридан ёндошади. *«... Шу маънода, ҳалқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзига назар ташлайдиган бўлсак, бошқаларга ҳеч ўхшамайдиган, минг йиллар давомида шаклланган, нафакат ўзаро муамила, балки ҳаётимизнинг узвий бир қисми сифатида намоён бўладиган бир қатор ўзига хос хусусиятларни кўрамиз.*

Мисол учун, тилимиздаги меҳр-оқибат, меҳр-муҳаббат, меҳр-шавқат, қадр-қиммат деган, бир-бирини чукур маъно-мазмун билан бойитадиган ва тўлдирадиган ибораларни олайлик. Қанчалик ғалати туюлмасин, бу ибораларни бошқа тилларга айнан таржима қилишининг ўзи мушкул бир муаммо.

Шуни айтиш лозимки, бу тушунчалар кимгадир ёқадиган сўзлар эмас. Бундай тушунчалар асрлар мобайнида эл-юртимизнинг дунёқараси, маънавий ҳаётининг негизи сифатида вужудга келган, онгу шууримиздан чукур жой алган буюк қадриятларнинг амалий ифодасидир.

Масалан, эзгу одатимизга айлануб кетган меҳр-оқибат тушунчасини оладиган бўлсак, унинг жуда теран тарихий, миллий,

диний илдизларини кўриш мүмкин. Бу аввало инсоннинг инсон билан, қўшининг қўшини билан, қариндошнинг қариндош, оиланинг оила билан, энг муҳим, шахснинг жамият билан уйғун бўлиб яшашини, мусофириларга саҳоват кўрсатиш, сидқидилдан, бегараз ёрдам беришни англатади ва бундай хусусият ҳалқимизнинг маънавий оламига сингиб кетганини ҳеч ким инкор эта олмайди».<sup>1</sup>

«Нақт қўлурларким, бир подиоҳ маслаҳат учун ёнига тўрт олимни чакириб дебди: «Ҳар бирингиз шундай бир ҳикматли сўз айтингки, у тарбиянинг асоси бўлсин». Биринчиси айтибди: «Донишманд одамларга ярашиадиган нарса сўзламасликдир». Иккинчиси: «Дунёда энг фойдали нарса шуки, инсон ўз акли билан маслаҳатлашмасдан сўз бошламасин», - дебди, учинчиси айтибди: «Инсон учун энг хайрли нарса ўйламасдан сўзламасликдир». Тўртинчиси деди: «Инсон учун энг тинчи шуки, у ўзини толе ихтиёрига топширсан»<sup>2</sup>.

Ахлоқшуносликнинг хукукшунослик билан алоқаси узоқ тарихга зга. Кўп ҳолларда ахлоқ меъёрлари билан хукуқ меъёрлари моҳиятан ва мазмунан бир хил бўлади.

Шунга кўра, ахлоқни жамоатчилик асосидаги хукуқ, хукукни эса қонунийлик деб қабул қиласиз. Дейдиларки, бир кун Хитой, Ҳинд, Эрон ва Рум шоҳлари бир ерга йигилиб: «Ҳар биримиз шундай бир», сўз айттайликки, дунё тургунча турсин», - деб шартлашибди. Хитой шоҳи дебди: «Мен айтган сўзимни қайтариб олийдан кўра, айтмаган сўзни оғиздан чиқармасликка ҳаракат қиласман». Ҳинд шоҳи дебди: «Мен ўз фойдасини кўзлаб айтган сўзи зарар берган ва ўзини ҳалоқ қиласман одамга хайрон қоласман». Эрон шоҳи дебди: «Оғзимдан чиқмаган сўзим – қулимдир, айтганим эса хожам». Рум шоҳи дебди: «Мен айтмаган сўзимдан ҳеч вақт пушаймон бўлмагансман, айтганимдан эса тез-тез пушаймон бўласман. Шоҳларининг индамаслиги фойдасиз ва бемаъни

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак маънавият-ингилмас куч. Тошкент. «Маънавият», 2008. 8 бет.

<sup>2</sup> Тоҳир Малик. Одамийлик мулки. Тошкент «Шарқ» излариётси, 2008 йй.

сұхбатлардан күра яхшидір. Инсон ҳар нарасадан күпрөк ўз тили туфайли балога йүлікәди».<sup>1</sup>

«... 1998 йили ўн кунча Германияда сафарда бұлдик. Мақсад «журналистик разедка» бұлғани учунми, улардаги тартиб-қоиданың бир-икки жиҳаты қаттық әдда қолган.

*Бонн шахрининг топ-тоза йүлкаси бүйлаб кетаяпмиз. Ёнимиздаги йүлкага туташ күм-күк майсазор.*

- *Бахтингиз бор экан, - дейди таржимон биродаримиз. – Мана, күёшли кун. Күпинча сизга ўхшаган инсонлар олдида бир оз хижолат чекадиган ҳолатлар ҳам бұлади. Ўн етти ўн саккиз яшар бир қыз келади да, бошдан оёқ кейимини ечади-ю ана шу майзасорга ётиб олади. Кейин оёқтарини чалкаштириб, офтобда маза қилиб тобланади. Албатта, бу Германия учун ҳам унчалар одатий ҳол эмас. Күчадан қанча одам ўтаяпты! Мемонлар дегандек... Полиция келади. Туринг, марҳамат қилиб, лоқал, авратни ёпадиган кийимингизни кийиб олинг, дейди. Қыз нима дейди денг: қайси қонуннинг қайси моддасида Германия фуқароси ўз мамлакатининг майсазорида ётиб, офтоб нуридан баҳра алиши мүмкін эмас, деб ёзив қўйилган. Шуни кўрсатсангиз, туриб кийимимни кияман. Булмаса, инсоний ҳукуқларимни камситганингиз учун устингиздан арз қилмасымдан бурун туёгингиши шиқиллатиб қолинг!..<sup>2</sup>*

Шунга кўра, ахлоқни жамоатчилик асосидаги ҳукук, ҳукукни эса қонунийлаштирилган ахлок деб аташ мүмкін. Ахлоқшунослик билан ҳукуқшуносликнинг тадқиқот объектлари кўп жиҳатдан ўхшаш, улар факат ёндашув усули нұктаи назаридан фарқ қиласы, яъни ҳукук меъёрларнинг бажарилиши, одатда, маҳсус адлия идоралардаги лавозимли кишилар орқали, мажбурий санкциялар воситасида йўлга қўйилади: ахлок меъёрлари эса умумий қабул қилинган милий урғ-одатлар, жамоатчилик фикри ёрдамида,

<sup>1</sup> Ўзаасар.

<sup>2</sup> Султонмурад Олим. «Уч буюк мезон: қонун, мағкура ва маънавият деалекутикаси», «Тафаккур». 3/2003. № 10 бет.

алоҳида белгиланган кишилар томонидан эмас, балки, муайян ижтимоий гурх, жамият томонидан амалга оширилади. Ҳукуқшунослик касби учун мухим бўлган амалий ахлок жиҳатларини ахлоқшуносликнинг ҳукуқшунос одоби деб аталадиган маҳсус соҳаси тадқик қиласди ва тавсия этади. «Шу боис бу соҳада юзаки, расмий ёндашувларга, пухта ўйланмаган ишларга йўл кўйиб бўлмайди. Мактаб, таълим-тарбия масаласи давлат ва жамият назоратида бўлиши Асосий конунимизда белгилаб қўйилган»<sup>1</sup>.

Ахлоқшунослик билан ҳукуқшуносликнинг тадқикот объектлари кўп жиҳатдан ўхшаш, улар факат ёндашув усули нуктаи назаридан фарқ қиласди, яъни ҳукуқ меъёрларнинг бажарилиши, одатда, маҳсус адлия идоралардаги лавозимли кишилар оркали, мажбурий санкциялар воситасида йўлга қўйилади: ахлок меъёрлари эса умумий қабул қилинган миллий урф-одатлар, жамоатчилик фикри ёрдамида, алоҳида белгиланган кишилар томонидан эмас, балки, муайян ижтимоий гурх, жамият томонидан амалга оширилади. Ҳукуқшунослик касби учун мухим бўлган амалий ахлок жиҳатларини ахлоқшуносликнинг ҳукуқшунос одоби деб аталадиган маҳсус соҳаси тадқик қиласди ва тавсия этади.

Ахлоқшунослик педагогика фани билан чамбарчас алоқададир. Педагогикадаги шахсни шакллантириш, тарбиялаш, таълим бериш жараёнларини панд-насиҳатларсиз, одбнома дарсларисиз тасаввур килиб бўлмайди. Шу боис ахлоқшунослик ўзининг назарий ва амалий жиҳатлари билан педагогиканинг асоси ҳисобаланади. Маориф тизимидағи таълим-тарбия ўзини ҳар бир қадамида ахлоқий тарбия сифатида намоён қиласди. Абдулла Авлоний ёзган эканлар: «...Боланинг саломати ва саодати учун яхии тарбия қилмак – танани пок туттмак, ёш вақтидан маслакини тузаттмак, яхии хулқларини ўргаттмак, ёмон хулқларидан сақлаб ўсдурмакдир. Тарбия қилувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касаллигини даво қилгани каби тарбияни боланинг

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юксак мавнавият – ёчижмас куч. Тошкент, «Маънавият». 2008. 61 бет.

*вүжудидаги жаҳл марказига «яхши хулғо» деган давони ичидан, «поклик» деган давони устидан бериб, катта қылмак лозимдур...»*

Қадимдаёқ ахлоқшуносликтининг руҳшунослиқ (психология) билан алоқаси алоҳида аҳамиятга эга бўлган. Бу иккала фан кицилар ҳатти-харакати, феъл - автори ва майл истакларини ўрганиди. Лекин бу ўрганиш икки хил нуқтаи назардан олиб борилади. Руҳшунослиқ у ёки бу ҳатти-харакат, феъл - автор, сабабий асос (мотив)ларнинг руҳий табиати ва шакланиш шарт - шароитларини очиб беради, ахлоқшунослиқ руҳшунослиқ ўрганаётган ҳодисаларнинг ахлоқий аҳамиятини тушунтириб беради.

Ахлоқшуносликтининг ижтимоийшунослиқ (социология) билан алоқаси ўзига хос ўрин тутади. Ахлоқшунослиқ ҳам социология ҳам инсон фаолиятини бошқаришининг ижтимоий мурувватларидан бўлмиш ахлоқни ўрганиди. Аммо ахлоқшуносликтининг доираси бу борада кенг ва муҳимдир. Социология инсонларнинг оммавий ҳатти-харакати ва уларнинг конуниятларини фақат муайян ижтимоий тузум доирасидагина ўрганиди. Ахлоқшунослиқ эса, ўз моҳиятига кўра, муайян ижтимоий тузум ёки давр доирасидан чиқиб, инсон ахлоқининг юксак ютуги сифатида келгуси даврлар учун ҳам тарихий ва ахлоқий аҳамият касб этган шахсий, ҳатти-харакатларни ҳамда уларнинг сабабий асосларнини ўрганиб келади.

Ахлоқшуносликтининг сиёсатшунослиқ билан алоқаси, ўзига хос ва мураккабдир. Чунки сиёсий кураш қарама-карши ахлоқий қоидалар ва талаблар курашини тақоза этади. Шахсий интилишлар билан давлат ва жамият манфаатларининг мослиги, мақсадлар ва воситаларнинг пок ва нолоклиги муаммолари ўртага чиқади. Аслида сиёсат кай даражада ахлоқийлик касб этса, шунчалик у оқилона бўлади. Ҳозирги кунда ахлоқшунослиқ ҳам, сиёсатшунослиқ ҳам жиддий тадқиқ этадиган энг муҳим умумий қоидалардан биридир. Шунингдек, раҳбарлик одоби, этикет сингари ахлоқшуносликтининг муомала маданиятига кирувчи маҳсус соҳалари ҳам сиёсатшунослиқ билан чамбарчас боғлиқдир.

Кейинги пайтларда ахлоқшуносликнинг экология билан алоқаси тобора мустаҳкамланыб бормокда. Тарихан ахлоқшунослик кўпроқ инсоннинг ўзи, ўзгалар ва жамият ойдидаги мажбуриятларини таҳлил этиш билан шугулланган, унинг табиат билан муносабати дикқат марказидан четда қолиб келган. Кейинги даврларда табиатга нисбатан тор манфаатпастлик доирасидаги ёндашувлар оқибатида пайдо бўлган экологик бухрон манзарани ўзгартирди.

Дарҳакикат, инсоният ўз вақтида табиат қонунларига ахлоқийлик ва маънавиятли ёндошганида эди, тоза ичимлик суви йилдан-йилга тақчиллашиб бормас эди. Биргина XX аср бошида 2 миллиард киши тоза ичимлик суви етмаслигидан азият чеккан бўлса, бу кўрсатгич 2025 йилга бориб 5 миллиардни ташкил этиши мутахассислар томонидан аникланган.

Инсониятнинг биологик тур сифатида яшашига бевосита ҳавфхатарлар мавжуд. Ялпи ядро уруши камайган бўлса-да экологик тинчлик, биалогик бузилишлар ҳамон сақланмокда. Экологик таҳдид ҳам кўлами жихатидан уруш ҳавфидан кам эмас.

Ер юзининг тўртдан уч кисмини згаллаган океанлар гидросферанинг 97 % ташкил этади. Муз холида бўлган чучук сув захирасининг тахминан 2 % океанлар ҳиссасига тўғри келади. Океанларнинг сув захираси сайёрамиз иқлимини белгилаб беради, атмосфера, ёғингарчиликка сабаб бўлади. Колаверса, сайёрамизда кислороднинг ярмидан кўпини океанлар тъминлайди. Ҳозирга қадар дунё океанларида 75 та кимёвий элемент аниқланган. Улар орасида энг кўп тарқалгани уран, калий, бром, ва магнийдир.

Бирок сўнгги йилларда дунё океанлари экологиясига жиддий зарар етказилмоқда. Ядро куроллари синови, атом, электр станцияларидан чиқаётган радиактив чиқиндилар ҳамда нефть ташувчи танкерларнинг ҳалокатлари денгиз ва океан сувининг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Океанларга йилига 320 тонна темир, 6 миллион тонна фосфор, 200 минг

тонна кўрғошин, 1 мил. тонна рух, 5 минг тоннадан зиёд симоб ва бошқа хавфли кимёвий моддалар тўкилмокда.

Атлантика океани Шимолий муз океанига йилига 2 минг тоннагача нефть углеводлари қўшилаётгани маълум. Бу эса кислота миқдорининг ошишига олиб келиши мумкин. Олимлар музликларнинг нефть маҳсулотлари ва бошқа кимёвий моддалар таъсирида ифлосланиши уларнинг эриш жараёнини янада тезлаштиришини исботлади.

Кизиги Атлантика ва Шимолий муз океани юзасини нефть билан тўлиқ қоплаши учун 15 миллион тонна Углеводород хомашёси кифоя қилар экан. 1 тонна нефть денизнинг 12 квадрат километр майдонига моддий зарар етказса, бор-йўги 1 лётр нефть 400 минг лётр дениз сувини кислораддан маҳрум қилади. Бу дениз экологиясига жиддий хавф солиб, кўплаб дениз жониворларига жиддий хавф солиб қирилиб кетишига сабаб бўлади.

Бир неча йил мұқаддам Буюк Британиянинг «Бритиш Петролюм» нефть-газ компанияси изярага олган Мексика кўрфазидаги «Дипвоте Хоризон» нефть платформасида юзага келган кучли портлаш оқибатида бир неча миллион баррель нефт кўрфази сувига тўкилганлиги ва океанинг жиддий ифлосланишига сабаб бўлган. Нефть халокати билан боғлик яна бир ҳолат 2011 йилда юз берган. Ўшанда узунлиги 235 метр келадиган Либериянинг «Рено» нефть ташувчи танкери янги Зеландия якинидаги оролга келиб урилиш натижасида 300 тонна нефть Тинч океанига тўкилиб кетади. Оқибатда бу ердаги минглаб күшлар ва дениз жониворлари экологик халокат курбонига айланди.

Ривожланган мамлакатлар саноат корхоналарида синтетик ювиш воситалари, хусусан, детергентлардан фойдаланиш оммавий тус олган эди. Детергентлардан кенг фойдаланиш ҳам дениз ва океанлар экологиясига жиддий хавф солади. Буни яхши англаган айrim давлатлар, хусусан, Германия детергентларнинг экологик хафвасиз турларини ишлаб чиқариш хисобига унинг дениз ва океналарга таъсирини камайтиришга бироз эриши.

Аслида кимёвий дорилардан зааркунанда ҳашоратлар ва кемирувчи хайвонларга қарши қурашишда фойдаланилади. Улар кишлок хўжалиги ривожланган туманларда хосил бўлган оқава сувлар воситасида денгизга чиқарилмоқда. Бундан ташкири, дунё микиёсида ишлаб чиқарилаётган симобнингина 50 % яъни 5 минг тоннаси турли йўллар билан океанларга келиб қўшилаёт.

Жаҳон согликни саклаш ташкилоти маълумотларига караганда, Ўрта Ер денгизига яқин-яқингача йилига 12 миллион тоннагача органик чикинди ташланган. Шундан 1 миллион тонна Азот, 360 тонна Фосфор, 21 тонна Рух, 2,4 тоннаси турли радиактив моддалардир.

Ўрта Ер денгизи соҳилларидаги 18 давлат денгизни муҳофаза қилиш тўғрисидаги шартномани имзолагандан сўнг бу нохуш ҳолатга чек кўйилди.

Италия ва Франция худуди уларга тегишли Ўрта Ер денгизи соҳилларига ҳар йили 90 миллиондан зиёд сайёҳ ташриф буюради Улар денгиз сувига тонналаб пластмасса идишлар, шишалар, ликопчалар ҳамда бошка майший буюмларни ташлаб юборишади. Яқин-яқингача Барселона, Марсель, Генуя, Неаполь, Пирей ва Истамбул кирғоқлари чиқиндилар, пластмасса идишлар, резина шиналар ҳисобига тўлиб кетиши натижасида кемаларнинг денгиз портларига юриб-чиқишида бир қатор муаммолар юзага келганди. Европадаги Речия ва Темза дарёлари ҳам денгиз сувининг ифлосланишига сабаб бўлмоқда. Германия, Франция, Нидерладия, Швейцария, Лексюмберк дарёси худудидан оқиб ўтувчи Рейн дарёсига йилига юз минг летргача заҳарланган сув тўкиб юборилади. Дарёнинг ифлосланишига боғлиқ нохуш ҳолатни атрофлича тахлил қилган Бирлашган Миллатлар Ташкилоти комиссияси дарёдан фақат кемалар қатнови учун фойдаланишига рухсат берди. Маълум килинишича, дарё суви шу даражада ифлосланганки, у билан хатто боғ ва томорка экинларини сугориш ҳам мумкин эмас. Лондон аҳолиси Темза дарёсига йилига 5,5 миллион

тоннагача чикинди ташлайди. Оқибатда, дарё сувида кислород микдори кескин камайган.

Шуни тан олиш керакки, Еарбий Европа, АҚШ, Япония ва Австралиядаги атом электростанциялари ва илмий тадқиқот марказларида тұпланаётған чикиндилар дарё ва дегизлар, қолаверса, океанларга чиқарып юборилаётір. Ҳар йили океанларда оваландиган балиқдан уч баравар күп микдорда чикинди чиқарилаётған бўлиб, уларнинг аксарияти нефть маҳсулотлари ташкил этмоқда. Биргина пластмасса маҳсулотлари чикиндилари 1 миллионгача дегиз қўшлари, 100 мингдан ортик балиқни нобуд бўлишига олиб келишини, унинг оқибатларини кўламини тасаввур килиш кийин эмас. Бирлашган Миллатлар Ташкилотларнинг маълумотларига караганда, бутун дунё океанининг ҳар квадрат клометрига 17,7 минг дона пластик чикинди тўғри келмоқда...

Эндилиқда глобал экологик муаммолар кўпроқ одамларнинг ижтимоий-ахлоқий нұктан-назарларига боғлиқ экани маълум бўлиб қолди. Ҳозирги кундаги экологик муаммоларни ҳал этиш ахлоқшуносликка бориб тақалади. XXI асрда экологик ахлоқшунослик деган маҳсус соҳа ҳам юзага келади. Лекин, бу – ахлоқшунослик экологияни тўлиқ ўз ичига олади, деган сўз эмас. Чунки бунда ахлоқий баҳолаш ва бошқариш обьекти сифатида табиатнинг ўзи эмас, балки одамнинг табиатга бўлган муносабати майдонга чиқади.

Президентимиз И.А.Каримов айтганларидек: «Аслини олганда, ахлоқ – маънавиятнинг ўзаги». «Инсон ахлоқи шунчаки салом-алик, хушмуомилаликдангина иборат эмас. Ахлок – бу, аввало, нисоф ва адолат туйгуси, иймон, ҳаллолик дегани»,<sup>1</sup> - деган фикрларини айтган эди. Бу фикрлар, бир томондан, эски тузумдан қолган ахлоқсизлик кўринишларига лоқайд каровчиларни ва ахлоқшуносликка енгил-елпи, иккинчи даражали фан сифатида тушунувчиларга адолатли зарба бўлса,

<sup>1</sup> Каримов И.А. Юқосақ маънавият-сигилмас куч. Тошкент, «Маънавият». 2008. 8 бет.

иккинчи томондан, ахлоқнинг янги жамиятимиздаги улкан мавқенини ҳамда ахлоқшуносликнинг жиддий назарий тадқиқотларга суюниши кераклигини таъкидлайди. Зоро, ҳозирги шароитда тоталитар тузум таъкики ёки таъкибига учраган миллий ва умуминсоний ахлоқий қадриятлар ҳамда қадимий урф-одатларимиз, анъанларимиз янги замон маънавий қадриятларини яратишда асос бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ана шу янглиш жараённида ахлоқшуносликнинг ўз ўрни борлигини ҳаммамизга маълум. Унинг олдида янги демократик ва ҳукуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига маъсуллик ва ҳар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашдек улкан вазифалар турибди. Уларда факат қадимий ҳар доим замонавий бўлиб келган ахлокка янгича ёндошувлар асосдагина амалга оширса бўлади. Айни лайтда, уларда ахлоқшунослик фани олдида турган вазифаларнинг бир қисми, миллий ахлоқшунослик вазифалари деб аташ мумкин. Ахлоқшунослик фанининг ҳозирги кунда умумжаҳон глобал муммоларни ҳал қилишдек, муҳим вазифаси ҳам борки, у ҳакда алоҳида тўхтамасликнинг иложи йўқ. Улардан бири, энг муҳими сайёрамизда «этосфера» ахлоқий муҳит яратиш билан боғлик.

Маълумки, юзлаб асрлар мобайнида инсон кичик биологик олам сифатида катта биологик олам ичидаги, унинг бир парчаси, жонли организмлар подшоси, оқил ва ҳукмрон қисми сифатида яшаб келди. XIX асрнинг охиридан бошлиб, айниқса, XXI асрда у ўз тафаккур қуввати билан, илмий-техникавий инқилоблар туфайли ана шу биосфера ичидаги ноосферани-техникавий муҳитни яратади. Мана, ҳозирги кунда, эрталабдан кечгача биз ўз техникавий кашфиётларимиз ичидаги яшаймиз, еймиз, ичамиз, юрамиз, ухлаймиз. Уларсиз хаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Булар метро, автобус, телевизор, радио, телефон, эскалатор, плейер, электрон асбоблар, заводлар, лифт, компьютер, поезд, самолёт, теплаход, газ плиталари, кимёвий дори-дармонлар ва х.к. Бугун видео телефонда гаплашар эканмиз, юзлаб чакирим наридаги сухбатдошимизни кўриш ва у билан гаплашиш учун от-

арава ёки пиёда борадиган бўлсак, неча кунлаб йўл босишимиз кераклиги хакида ўйлаб ўтирмаймиз, тўгрироги бу эса эсимизга хам келмайди. Чунки техника билан яшаш муҳитимизга айланниб қолган.

Факат бугина эмас, инсон эндиликда ўзи яшаётган бутун бошли сайёрага таъсир кўрсата бошлайди. Ер тарихида инсон биринчи марта улкан геологик куч билан майдонга чиқди. Инсоний тафаккур биосферадаги ўзгаришларнинг асосий сабабчисига айланади. В.И. Вернандский шундай деган эди: «Бутун геологик давр мобайнида яратилган, ўз мувозанатларида барқарорлашган биосфера инсон илмий тафаккури босими остида тобора кучлироқ ва теранроқ ўзгаришта киришди... Хозир биз биосферадаги янги геологик эволюцион ўзгаришларни бошдан кечираяпмиз. Биз неосфераги кириб бораяпмиз». Аммо ноосфера фактат ижобий эмас, балки салбий ҳодиса сифатида хам намоён бўлмода. Атом, водород, нейтрон бомбаларининг кашф этилиши ядро каллакли балистик ракеталарнинг яратилиши ана шундай салбий ҳодисалардандир. Хозирги кунда тирик организмларнинг, ўсимликларнинг, хайвонларнинг кўлгина турлари жисман йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Айниқса жой тополмай, океанда, кемаларда сузиб юрган радиоактив чиқинидилар ёки уларнинг кимсасиз гўзал оролларга кўмиб ташланиши, кислота ёмғирларининг кўпайиб бориши сингари ҳодисалардан бағоят хатарлидир. Афсуски, инсон кўра-била туриб, ўзи ўтирган шохга болта уришни тўхтатмаётир. Бу муаммоларнинг ҳал этилиши фактат атроф-муҳитни кимёвий заҳардан экологик тозалашнигина эмас, балки, энг аввало, глобал маънода, XXI аср кишиси онгини технократия захаридан тозалашни тақоза этади. Яъни, улар инсоният олдида эндиликда экологик ҳодиса эмас, балки том маънодаги ахлоқий муаммолар сифатида кўндаланг бўлиб турибди.

Юкорида айтилганлардан чиқадиган хулоса бигта: келажакда инсон ўзини ва ўз сайёрасини ҳалокатдан кутқараман деса - XXI асрдан бошлаб этосфера даврига ўтиши керак: ахлоқийлик хар биримиз учун хар қадамда

бугунги техникавий мухит каби заруратга айланганда гина бунга эришиш мүмкин. Бунда ахлоқшунослик фанининг ўрни ниҳоятда бекиёсдир.

Яна бир муаммо бу – биологик ахлоқшунослик муаммосидир. Мазкур ҳодиса сўнгги бир неча ўн йиллик ичидаги соф табобат муаммосидан тўлақонли ахлоқий муаммога айланди: эндиликда, бирорвнинг муайян аъзосини бошқа bemорга жарроҳлик операцияси йўли билан ўтказиш орқали киши хаётини саклаб қолиш ахолокий нуктаи назардан қандай баҳоланади, деган савол кун тартибида долзарб бўлиб турибди.

Чунки, табобат борасидаги сўнгги тадқиқотлар инсон ўлими бир лахзада рўй бермаслигини, юрак уруши ва нафас олиши тўхтаганда ҳам, мия ўлмаса – инсонни ўлди дейиш мумкин эмаслигини исботлаб берди. Дастрраб мия кобиги, ундан кейин мия танаси халок бўлади. Шундан кейингина инсонни ўлган дейиш мумкин эмаслигини тажрибада аникланган. Токи мия ўлмас экан, кўпгина ички аъзоларнинг янги табобат техникаси воситаси сифатида ишлашда давом этишини таъминлаш ва шу орқали анча муддатгача инсонда тирикликнинг минимал даражасини саклаб туриш мумкин. Юракнинг ёки буйракнинг кўчириб ўтказилиши ҳали ўлмаган одамнинг минимал тирикликка бўлган хукукини поймол қилишибди. Бунинг устига, америкалик кардиохирург Пол Пэрсон ўз тажрибаларига асосланиб, «юрак кўчириб ўтказилганда рух ҳам кўчиб ўтади», - деган фикрни билдиради. Чунки, 19 яшар кизнинг юрагини 40 яшар эркакка ўтказилганда, йигитнинг феъл-атворида жуда катта ўзгаришлар рўй берган. Ёки 20 яшар кизнинг юраги ва ўпкаси 36 яшар аёлга ўтказилганда ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар юзага келган, ҳаттоқи кулишигача ўзгариб кетган. Ахлоқий нуктаи назардан буни қандай изохлаш мумкин? Бунга сиз қандай қарайсиз хурматли талабалар?

## **2- Мавзу АХЛОҚШУНОСЛИКНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНИЙ ТУШУНЧАЛАРИ, АХЛОҚИЙ КАТЕГОРИЯЛАР**

1. Ахлокшунослик категорияларининг ўзига хос хусусиятлари.
2. Мұхаббат. Мұхаббаттың түрлари: Аллохга, Ватанға, миллатта, отанага, фарзандға, инсониятта, гұзаликка мұхаббат. Мұхаббат ва нафрат.
3. Эзгулик ва ёвуздық; яхшилиқ ва ёмондық; адолат ва адолатсиздік категориялари.
4. Бурч ва масъулиятсиздік; виждон ва виждонсиздік; номус ва беномуслик; баҳт ва баҳтсиздік; ҳақиқатпарварлық ва ёлғончилик тушунчалары

Буюк файласуф Пифагор айттан экан, «*Одамлар! Энг аввало эзгу ахлоққа зетілгенде бұлишта қаралат қылғын, зеро ахлоқ қонуннинг асосидір*»<sup>1</sup>. Келинг аввал биз ахлоқий хиссияттарни аңглаш учун маылум маынода фикрга зетілгенде бұлайтын. Буюк инглиз файласуфи Жон Локк, «Тушунчада нимаңки бор экан, у бундан аввал хиссиятда мавжуд бўлган», - деб таъкидлайди. «Табиат конуни борасидаги тажрибалар» асарида эса у шундай деб ёзди: «Агар ҳиссиятдан ақлаға нарсалар киёфаси етказиб берилмаса, у ҳолда тафаккур учун ҳеч кандай материал берилмаган бўлади. Ақл билимини тараққий эттириш тош, ёғоч, кум ва ҳоказа қурилиш материалларисиз мъемор бино қуришда қанчалик иш қила олса, шундагина иш бажъра билади».

XXI аср мутафаккирлари, рухий таҳлил фалсафасидаги янги фрейдчилик оқимининг атоқлы намоёндаларидан бири Карл Юнг шундай ёзди: «*Гарб кишиси рухий («психологик» сұзини эшитганда, унинг учун «у шунчаки рухий» тарзыда жаранглайди. Унинг учун «психе» - қалб қандайдыр, ачинарлы даражада кичик, эътиборга наложик, шахсий, субъектив нарса ҳисобланади. Шу сабабли «рух» (қалб) ўрнига «акы»*

<sup>1</sup> 99 мұмтоз файласуф. Ҳақиқат мәнざралари. Тошкент., «Яни аср ғылоди», 2011. 25 - бет.

*сүзини ишлатишни маъқул кўради...»* Дарҳакиқат «юрак ва акл», «хиссиёт ва онг» бахсида Ғарб, айниқса, бизнинг XXI-асрда, сўзсиз, биринчилликни ақлга, онгга беради. Шу боис ахлоқшунослик нуктаи назаридан мұхабbat ҳақида гап қетса, уни хиссиёт, деб яна буниңг устига, таърифлаш қийин бўлган туйғу, деб атайдилар ва уни тушунча тарзида олиб қарашдан чўчийдилар. Мұхабbat айнан ахлоқий хиссиёт ва ахлоқшуносликнинг бош мезоний тушунчасидир.

Мұхабbat бош мезоний тушунча сифатала деярли барча асосий тушунчаларда тамойилларда ўз «хисса»сига эга. На эзгуликни, на яхшиликни, на ватанпарварликни, на инсонпарварликни мұхабbatсиз тасаввур этиб бўлмайди. Мұхабbat – инсонни ташки ва бошқа олам билан боғловчи, уни ёлғизликдан олиб чикадиган буюк куч. У – Оллоҳми, Ватанми, Ота-онами, ёрми – мұхабbat эгасига унданда гўзалроқ нарса йўқ. Айни пайтда бир объектни севган киши бошқа объектларни ҳам севмаслиги мумкин эмас. Айни пайтда бир объектни севган киши бошқа объектларни ҳам севмаслиги мумкин эмас. Деялек ёрга бўлган ҳақиқий мұхабbat Ватанга инсониятга мұхабbatни инкор этмайди, аксинча, баркарор киласди..

Зоро, «ўз-ўзича» яккаш «худбин» мұхабbatнинг бўлиши мумкин эмас. Инсон ўзи ўзгага айланганида, ўзгани ўзига айлантира олганида ҳақиқий мұхабbat эгаси хисобланади. Мана шу объект билан субъект орасидаги фаркнинг йўқолиши энг буюк, энг мукаммал лаззатdir. Комил нашъя, комил лаззатга факат комил инсонгина эриша олади. Демак, мұхабbat инсон ахлоқий ҳаётининг ҷўккиси, комиллик белгисидир. Бутун дунёда гўзал ахлоқка эхтиёж бор. Турли динлар, турухлар, жамоалар ҳар хил йўллар орқали бу гўзаликка эришиш учун ҳаракат киласидилар, йўллар ахтарадилар. Инсонларни қандай тарбиялашни Ислом яхши билади. Сўздан – маънога, шаклдан – рухга, зоҳирдан – ботинга кириб боришни билади. Шу боис Ислом шаклга ҳам эътибор беради. Чунки шакллар амалда гўзал маънавиятни юзага келтиради. Масалан, салом берилиб-берилиб ўзаро мұхабbatга, ўзаро биродарликка ташвиқ киласди.

«Эркак ва аёлнинг ишқи бир-бирини кўриш билан бошланади. Яъни, ташки кўриниш бирламчи бўлади. Ташки кўринишга маҳлиёлик ички оламдаги юсурлар юзини тұсади. Аллохга бўлган Ишқ бутунлай ўзгача: банда ҳали Аллохни кўрмай туриб унга ошиқ бўлади. Ҳар бир инсон ўзининг имкони даражасида ошиқ бўлади. Бирлари ўзларидаги нафсни енғишга куч топа олади, бирлари эса бу борада ожизлигича қолади. Бирларининг токати ярим йил ё ундан кўпроқка етади, бирларини сўнгги нафасигача Аллоҳ ишқи билан яшайди. Аллохга кул бўлмоқ завкини тотиш баҳтига эришади.

«Аллохга йўл иккитадир: хавосники (хосларники) ва авомники,» - дейдилар.

*«Мусо алаихиссалом яйловда бир чўпонга дуч келибдилар. Чўпон бутун вужуди билан Тангрига сигиниб, муножжот қилиб дер эканким: «Эй Художон! Сен қаердасан? Кел, сочларингни тарайин, чориқларингни тикиб берайин, наинки ўз жоним, балки қўйларим, фарзандларим ҳам сенга фидо бўлсин. Каердасан, бориб дастёринг бўлсан, сут-қаймогим билан қорнингни туйдирсан. Бошинг оғриса бошингни силасам, юз-қўлингдан ўпсан, оёқларингни уқаласам...»*

*Мусо алаихиссалом бу муножжотни эшишиб, чўпонни койиб дедиларким: «Эй ахмоқ, бу гапларни айтиб, сен энди кофир бўлдинг. Худонинг чориги ҳам, тўни ҳам йўқ. У емайди, ичмайди. Уни ўзингга ўхшатма. У гўё Кудири, сен эса бир чивин...»*

*Шуларни айтишлари билан Мусо пайгамбарга вахий келадиким: «Эй, Мусо! Нима қилдингки, бандамни мендан айшординг. Қўй, айтаверсин. Сен бандаларингни Парварадигорга улаш учун юборилгансан, азкратиб ташлаш учун эмас. Биз ҳар бир одамга, ҳар бир элга ўз даражасида, ўз тилида муҳаббат изҳор этишига имкон бердик. Ҳиндларни ҳинҷ тилида, синдарни синҷ истилоҳида сўзлатдик...<sup>1</sup>»*

Аллоҳ билан банда ўртасидаги Ишқ ҳам ўзародир. Банданинг Аллохни ва унинг Расулини севиши – уларга итоат этиши, амрларини бажариш

<sup>1</sup> Тоҳир Малик. Одамийлик мулки. (Ахлоқ китоби). Тошкент, «Шарқ» нашриёти, 2008, 63-64 бетлар.

демакдир. Аллоҳни бандасини севиши ва рози бўлиши, уни афв этиши демакдир.

...Аллоҳ севгисининг аломати Куръон севгисидир. Куръоннинг севгисини аломати Пайғамбар севгисидир. Пайғамбар севгисининг аломати унинг суннатига ва гўзал ахлоқига тобе бўлмоқдир. Суннатига тобе бўлишликнинг аломати охират ҳаётини унутмасликдир. Охират ҳаётнинг унутмасликнинг аломати дунёга хирс қўйишдан, ҳаром ва гайримашруъ даромад йигишдан қочишлиқдир»<sup>1</sup>

Шуни таъкидлаш лозимки, муҳаббат – олий туйғу, шу маънода у олий тушунча. Лекин уни тубан, куйи нарса-ходисаларга нисбатан ҳам кўллаш холлари учраб турди. Чунончи, Эрик Фромм сингари ғарблик мутафаккирлар, айрим рус файласуфлари муҳаббат тушунчасини ўлика (некрофил), мол-дунёга, пулга нисбатан қўлайдилар. Ҳакикий муҳаббат эгалари ёшлар томонидан доимо ахлоқий идеал тарзида кабул қиласанади: Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин, Ромео ва Жульєтта, Отабек ва Кумуш ва ҳакозо.

Русларнинг улуғ ёзувчisi Лев Толстойнинг «Анна Каренина» деб номланган асари шундай сатрлар билан бошланади: «Бахти оилаларнинг ҳаммаси бир-биринга ўхшайди, баҳтсиз оилаларнинг эса ҳар бири ўзича баҳтсиздир»...

«Лев Толстой билан Абдулла Қодирийларнинг тасвирига қараганда бу аёлларнинг иккови ҳам гоят гўзал, икковида ҳам муҳаббат бор, икковлари ҳам севги қурбони Ҳар икки асар ҳам лобарларнинг ўлимлари билан ниҳоясига етади. Лекин уларнинг муҳаббатлари ва оиласага садоқатлари бир хилми? Анна – оиласи жувон, бегона эркакни севади. Окибатда ўзини ҳалок килди. Унинг бир гунохи икки бўлди. Кумушбиби – маъсума аёл. У жуфти ҳалолига содик. Уни ҳатто кундошидан ҳам қизғанади. Балки ана шу қизғаниши, ращкининг чегарасидан чикқани учун ўлим топгандир? Бу икки аёл ўлими сабабчилари – Аннанинг севгилиси (Эри эмас!) билан Кумушнинг

<sup>1</sup> Тоҳир Малик. «Одамийлик мулки»(Ахлоқ китоби) Тошкент , «Шарқ», 2008. 63-64- 80 бетлар.

кундоши – Зайнаб тақдирида қандай яқинлик бор? Ҳеч қандай! Кумуш-Зайнаблар тақдирини европаликлар ҳаётидан излаб тополмаймиз. Келинг, икки ўлмимга доир икки баёнга дикқат қиласайлик:

*«... яқиндагина ҳаёт жүш уриб турған, энді эса казарма столида, ёту бегоналар күзида Аннаниң жасады ибосиз бир равища қонларга беланиб ётарди: сог қолган чаккалари, гажакли боши, оғир кокиллари орқага ташланган: гұзал чехрасида, ярим юмук қызыши лабларидан ачинарли, тиниб қолган очиқ күзларидан вахимала бир ифода бор эди: бу ифода урушиб қолишганда Вронскийга «Шошманг, ҳали пушаймон бұласиз», деган ўша даҳшаттың сұзни айтиб турғанга үхшарди...»<sup>1</sup>*

Бу баёндаги «Аннаниң жасады ибосиз бир равища қонларга беланиб ётарди», деган тасвирга алохидә қаратмоқ лозим. Мұхаббат деган баҳона билан оиласа хиёнат қилған, ибосиз ҳаёт қечирған аёлнинг жасады ҳам бегоналар күзи олдида ибосиз холатда ётарди. Бу ҳам ибосиз ҳаёт учун берилған бир мукофат эмасми! Энди бу тасвирға дикқатингизни тортамиз:

*«... Ҳожи Кумушнинг бошига келиб ўлтурды. Отабек ва онаси оқ үстіда зәделар. Кумушнинг күзи юмук, сочлари юзи үстіда паришон эди. Ҳожи ўз күли билан сочларини тұзатып Кумушнинг күкимтіл төсленған юзини күрди ва манглайини босди...*

- Ойим... Ойим! – деди Ҳожи. Кумуш күзини очиб, бесаранжом үнга назар ташлади ва таниб... күзгалмоқчи бўлди.

- Күзгалманг, ойим... күзгалманг!

Кумушнинг күз ёшиси чаккасидан оқиб тушди...

Ҳожи ҳам ўзини тұхтатолмай, Кумушнинг ёшини артиб, бошини силади:

- Худо шифо берар, болам!

Кумуш жомга күзгалди, Отабек келиб күлтиқлади, Ҳожи ҳам унинг бошини тутди... Бу гүл кусук қонга айланған эди, бурнидан бир неча томчи қон оқди... Кусуб ўтгач, күзи ярқылғаб очилиб кетди ва теварагига

<sup>1</sup> Тохтар Малик. Одамнйыл мұлкі. Ташкент, «Шарқ» 2008., 150 бет.

*бетоқат қаранди: - Ойи... Дада...- сұнгра,- бегім, - деб ингранди... Эрининг юзини юзига қүйди, уялгансимон күзини юмди... »<sup>1</sup>*

Абдулла Қодирий қаламларидан күчган бу тасвириңнің ҳар бир нұқтасыға диккәт билан разм солайлық. Биз истаймизми, истамаймизми, ойла масаласини англашдағарб ва шарқ түшүнчалари орасыда кескин фарқлар берлигини тан олишга мажбурмиз.

Кумуш «Эрининг юзини юзига қүйди, уялгансимон күзини юмди...» Бу холат оддий мұхаббат тасвири эмас, балки үлеми олдидан ҳам эрининг мартабасыға риоя қилинишининг ифодасидир. «Исломда инсонға сәжда қилиш йўқ. Агар бўлганида, аёлларнинг зерларига сәжда қилишларини буюрган бўлардим», мазмунли ҳадиснинг маъносида аёл киши эрига бутунлай итоат қилиши лозимлиги англашилади».<sup>2</sup>

Мұхаббат ҳам ахлоқшунослықдаги күпгина түшүнчалардек, «окуфтлиқ» хусусиятиға зға, уннинг зидди нафратидир. «Нафрат (петесис) – ҳасад ва ичиқоралық ўртасыда туради. Ҳасад ҳам, баҳиллик ҳам (шлат сифатида) қораланаади. Ёмонтиқдан нафратланувчи одам эса мақталади. Нафрат бирор неымат номуносиб одамга берилганидан норозилик, хафагарчиликдир... Ҳасадгүй одам эса, муносиб ёки номуносиб өдам яхши яшаётганини кўрса ичи куяверади. Ичиқора (баҳил) эса бирёвларнинг бошига кулфат, баҳтсизлик келса, ҳурсанд бўлади. Нафратланувчи одам бундайлардан узок, у омадли одамларга ҳасад ҳам қилмайди, ӯров баҳтсизликка учраса қувонмайди»<sup>3</sup>. Нафрат түшүнчеси, албатта, мұхаббат сингари кенг қамровли эмас. Аксинча, мұхаббат тарзидан намоён бўлган обьектдан четлашиш, ундан бегоналашышни такоза этади. Ҳазар, жирканч хисси нафратнинг уларга нисбатан кундалик турмушидаги тор, «майда» кўринишидир. Нафратнинг уларга нисбатан «йириклиги» уннинг ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлишидир. Айни айтда, бу түшүнчә газабдан

<sup>1</sup> Тоҳир Малик. «Одамийлик мулкі»(Ахлоқ китоби) Тошкент . «Шарқ», 2008. f50-151 бетлар.

<sup>2</sup> Тоҳир Малик. «Одамийлик мулкі»(Ахлоқ китоби) Тошкент . «Шарқ», 2008. 150-151 Бетлар.

<sup>3</sup> Арасту. «Ахлоқ кабир» «Мирния Морални», Уммат Гүйчиеv., Мөхкам Маҳмуд таржимаси Тошкент, «Янги аср ғазабдю» 2015 йыл 140 бет.

кескин фарқ қиласи. У, газабга ўхшаб, ўз обьектини йўқотишга интилмайди, ундан факат юз буради. Кўринишдан, нафрат кишида ёқимсиз таассурот уйготса-да, аслида у асосан иллат эмас, ахлоқий фазилат сифатида инсоннинг виждонлигидан, ботиний жасоратидан далолатдир.

Нафратдан ташқари яна рашк тушунчаси бор-ки, у ижтимоий ходиса эмас, факат жинсий муҳаббат билан ёнима-ён келади. Маълумки, муҳаббат эгаси ўз севгисини ва севгилисини қизғаниб, асраб колишга ҳаракат қиласи. Ёки «... *Одам Ота билан Момо Ҳаво Ердаги ҳаётларини энди бошлиган кезлари Одам Ота овга чиқиб кетар, Момо Ҳаво овқат тайёрлар экан. Ҳар кеча Момо Ҳаво Одам Отанинг қовургаларини санар экан. Бу ҳол бир тақрорланибди, икки тақрорланибди, ахири Одам Ота сабабини суринтирибди.*

«*Кейинги пайтлар сал ҳаяллайдиган бўлиб қалдингиз, кўнглимда Оллоҳ таоло яна бир қовургангиздан аёл ясаб юбормадимикин, деб кўрқаман-да», деган экан Момо Ҳаво.<sup>1</sup>*

Ана шу қизғаниш ҳисси меъёридан ошиб кетса рашкка айланади. Рашк эса, уни қанчалик таъриф-тавсиф китмайлик – меъёрининг бузилиши иллат. «Агар рашк бутунлай бўлмаса, эркак тўнғиз табиатли хисобланади. Яна дерларким: «Гайрат мардин ҳакиқий рашкни бажо келтирғил. Бегайрат кишини киши демагил. Ҳар кишида гайрат бўлмаса, дини ҳам бўлмагусидир». Демак, рашк керакли фазилат экан. Бироқ рашк ўти ҳаддин зиёд аланга олса, ишлатга айланади. Эр хотиннинг хотин эрнинг ҳар бир қадамини кузатаверса, орада ишонч йўқолади. Ишонч йўқолгач уйдан файз кетади. Шу туфайли арзимаган нарсадан жаюжал чиқараверади. «Бошқасини тоғтанга ўхшайсиз, менинг ҳамма ишларим кўзингизга ёмон кўриниб кетаялти», дейди хотин. «Битта-яримта хушторинг борми, пардозларинг бошқача бўлиб кетаялти», дейди эр. Қарабисзки, яхшиликка хизмат килиши керак бўлган рашк оилани бузишга олиб келади. Донишманд ҳалқимиз айтиб

Утганидек «Хотининг ёмони зр қурийди. Эрнинг ёмони ер қурийди» деган макол мисол бўлади.

«Агар сен хотинингга рашклик қилмасанг, у сенга самимият била муносабатда бўлур. У сенга ота-онанг ва фарзандингдин ҳам мушфироги бўлур ва сенга ундан дўстроқ киши топилмас. Агар унга гайрат кўргузсанг, сенга минг душмандин душманроқ бўлур ва бегона душмандин ҳазар қилса бўлур, лекин ундин ҳазар килиб бўлмас. Кайковуснинг бу панди-насиҳати рашкни меъёрдан ошириб юборадиганларга ибрат бўлиши лозим. Агар эр хотинига рашкни ошириб, уни айлавермаса, хотин унга ўз ота-онасидан ҳам меҳрибонроқ бўлар экан. Меъёридан ошса, душмандан ҳам баттароқ душманга айланар экан.

«Яхши хотин – оиласнинг давлати ва баҳти. Уйнинг озодалиги ундан, уй эгасининг хотиржам ва осойишталиги ундан. Ҳосили бўлса – кўнгил ёзуғи, хушмуомила бўлса – жон озиғидир. Оқила бўлса, рўзгорда тартиб-интизом бўлади, асбоб-анжомлар покиз<sup>2</sup> ва саранжом туради.

Киши бу каби жуфти ҳалоли билан қовушся, агар бундай баҳтга эришса, ғам ва кулфатдан сирдошга, ошкор ва пинҳсний дард-аламда ҳамнафас ва маҳрамга эга бўлади. Турмушла бошинингга ҳар кандай жафо тушса, ҳамдардинг у: тескари айлангувчи фалакдан бошинингга ҳар бола келса, кўмакдошинг у. Кўнгликтага ғам юзланса, у ғамнок: баданингга хасталик ва заифлик етишса, унинг жони ҳалак...

... Аммо, худо кўрсатмасин, номувофиқ хотин учраса, ўз уйингда ҳалокатли иллат пайдо бўлади. У беандиша, шаллақи бўлса, кўнгил ундан озор ва ёмонлик ахтарувчи бўлса, ундан руҳ азоб чекади. Тили аичик бўлса, барчанинг дилини яралайди; покиза бўлмаса, ундан эрига юз қаролик келтиради. Агар майхўр бўлса, у уй ободлиги йўқолади, ахлоқсиз бўлса, оила расво бўлади».<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Алишер Навоий «Махбуб ул-кулуб», Тошкент. Ғ.Ҳуломномидаги Алабиёт ва санъат нашриёти, 1993 й 41 бет.

Кунлардан бир күн Сукроттинг рафиқаси Ксантиппа аввалига эрини обдан койиб, сүңг устидан сув күйиб юборади. «Айтгандим-а, - дед өүлдиради шурлик файласуф. – Ксантиппа аввалига момақалдироқ бўлиб, гумбирлайди-да, сүңг ёмгир бўлиб савалайди. Буни кўрган Алквиад Ксантиппанинг жанжалига дош бериб бўлмаслигини эътироф этади. Сукрот Алквиадга:

- Мен бу жанжалларга гилдиракнинг тўхтовсиз гичирлаши каби кўнишиб кетганман. Масалан, сен гозларнинг гагиллашига тоқат қиласанку!

- Шундайку-я, лекин бунинг эвазига мен гоззаримдан тухум ва гўшт оламан, - файласуфга жавобан Алквиад.

- Ксантиппа эса менга фарзанд туғиб беради, - дейди Сукрот.<sup>1</sup>

«Кимнинг кўнгил ҳабибаси бўлган аёли, хонадонининг бекаси ўзига уйгун ва мос бўлса, ўша одам энг бахтиёр кимсадир. Агар хотининг иффатли, номусли, очик юзли ва ширин сўзли бўлса, у хоҳ гўзал, хоҳ хунук бўлсин, барибир уни сев, яна ҳурмат кил. Бу сўзлар ёлғиз хотинларгагина эмас, эркакларга ҳам хосдир. Эр ва хотин ҳамжихат ва ҳамфир бўлсалар, уларнинг кўзлаган ҳамма мурод ва мақсадлари ҳосил бўлади...

... Ҳар куни тонг отгандан то оқшомгача ишда банд, узун тун бедорлик билан ўтса-ю аммо ёнингда кўнглингни овловчи, сенга тасалли берувчи, кийинчилик ва машаққатингга шерик, дардингни олевучи бир аёл – беканг бўлса, бу дунё ташвишларидан кўрқмасант ҳам бўлаверади.

«Бир чўпоннинг солиҳа, фаросатли хотинига ҳамма ҳавас қиласарди. Ҳамма шу чўпонни «энг баҳтили одам» деб таърифларди. Қишлоқда кимки хотини билан келишиолмай қолса: «Бор, чўпоннинг хотинидан ибрат олиб кел», дерди. Бир куни хотини билан жанжаллашиб қолган қишлоқ огаси ҳам шундай деди. Хотин «Мен киммани чўпоннинг хотини ким! Ундан нимани ўрганардим!» деди. Кейин «Бу хотинни ҳамма мақтайди бир бориб кўрайинчи», деб қизиқиб йўлга чиқди. Борса

<sup>1</sup> 99 мумтоз файласуф. Ҳажисат маҳзаралари. Тошкент, «Янги яср авлоди», 2011., 62 бет.

*чўпоннинг хотини ҳоллидаги идомида турган сувдан олиб ичаётган экан. Қишлоқ оғасининг хотини чанқаган эди, «шу сувдай ичайин», деб сўради. «Хўп», – деди чўпоннинг хотини, сизга ҳозир ичкаридан муздай сув олиб чиқаман, бу илиб қолган».*

*- Ичкарида муздай сув бўлса, ўзингиз нима учун бу илиган сувдан ичаяпсиз? – деб ажабланди оғанинг хотини.*

*- Хоним, эрим бу онларда далада, жазирамада юрибдишлар. Мешалардаги сув куёши нурида илиб қолгандир. Эрим у ёқда шиган сув ичсалар-у мен бу ерда муздек роҳатбахши сув иссан, меҳрибон хотинлигим қаерда қолди!»<sup>1</sup>*

*Бундай фаросат эгасини ҳар бир эркак орзу қиласди. Бу баҳтиёрликдир. Бундай баҳт мол-мулк, бойлик, беклик ва ўқиган, катта мартаба соҳиби бўлиши билан қўлга киритилидиган давлат эмас»<sup>2</sup>.*

<sup>1</sup> Тохир Малик. «Одамийлик мулҳиҳ»(Ахлак китоби) Тошкент , «Шарю», 2008. 191-192 бетлар.

### **3- Мавзу АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАР ВА МЕЬЁРЛАР.(ДУНЁ ХАЛҚЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕЬЁРЛАРИ)**

1. Ахлоқий тамойиллар ва уларнинг шахс ва жамият муносабатларида намоён бўлиши. Эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик.
2. Ватанпарварлик, инсонпарварлик, эркпарварлик, меҳнатсеварлик, тинчликпарварлик, ўзбекчилик.
3. Ахлоқий меъёрлар: халоллик ва нопоклик; ростгуйлик ва ёлғончилик; инсофлиник ва инсофиззлик; камтаринлик ва мактанчоқлик; вафо ва хиёнат; садокат ва соткинлик.

Мезоний тушунчалар орасидаги яна бир жуфтлик – эзгулик ва ёвузлик. Эзгулик ахлоқшуносликдаги энг асосий категориялардандир. У инсон фаолиятининг асл мөхиятини англаради. «Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу аъмол» учлиги «Авесто»дан тортиб, барча муқаддас китобларда етакчи ўринни эгаллаши ҳам шундан. Эзгулик – инсон шахсининг комилликка, баҳтга, жамиятни юксак тараккиётiga етказувчи воситадир. У инсоннинг ахлоқий фаолияти туфайли юзага чикади. Уни синфиийлик ёки партиявийлик қобигига каби турларга бўлиш мумкин эмас. Чунки «синфий душман»ни, яъни бирор-бир шахсни ёки гуруҳни факат бошқа гурухга мансуб бўлгани учун жисман йўкотиш, қанчалик харакат қиласин, эзгулик бўлолмайди. У том маънодаги ёвузликдир. Шу боис тоталитар тузумда эзгуликни бундай талқин этишнинг илмий асослаганлиги, сохталиги, ўйлаб топилганлиги хозирги кунда барча инсонларга аёндир.

Эзгулик шахсда хулқ, феъл-атвор ва характерини шакллантиради. Хушхулкли бўлиш, камтар феъл-атворлик ва ҳалимлик, умуман олганди, ахлоқийлик эзгуликнинг манбаидир. Эзгулик туйғуси осмондан олинмайди, у инсон қалбида бор туйғу. Бу туйғу вояга етказилиши керак. Вояга етказишда жонли, ибратли ҳатти-харакатлардан фойдаланиш лозим. Шу ўринда ибрат тамойили, намуна

даражалари хам соглом турмуш тарзи кечётган мънавий-ахлокий мухит мисолида келтириш мумкин. Эзгулик туйғуси тарбияланмаган инсонда ёвузлик хислари «үйгөнди». Аждодларимиз «бүш көп тик турмайды», деб бежизга таъкидламайдылар, чунки қалб, юрак, дил эзгуликка йүгрилмае, ахлокий тарбия билан түлдирилмас экан, унинг ўрнини бошқа бир ҳатти-харакатлар, аксарият, ёвузлик ёки локайдлик ва дахлсизлик эгаллааб олади.<sup>1</sup>

Эзгулик ва унинг қарама-қарши томони ёвузликдир. Ёвузлик кундалик ҳаёт мезонлари билан ўлчанмайды, улар хам муҳаббат сингари кенг қамровли ва ижтимоийлик хусусиятига эгадир. Эзгуликнинг ахлокий идеал билан боғликлиги хам шундан. Шу туфайли у амалиётда қаҳрамонлик, ватанпарварлик, инсонпарварлик, жасурлик сингари тамойилларни ўз ичига олади.

Шуни хам айтиш керакки, муҳаббат ва нафрат жуфтлик тушунчасида нафрат муҳаббатни инкор этмай, унинг баркарорлигидан далолат берса, эзгулик ва ёвузлик жуфтлигига ҳар иккى тушунча бир-бирини тамомила инкор этади. Нафакат инкор этади, балки улар орасида ҳаёт-мамот кураши кетади ва бу кураш абадий кураш сифатида, оламни ҳаракатта келтирүвчи куч тарзida намоён бўлади.

...Юноистонлик файласуф Сукротнииг машхур «ўзингни англа» фикридан бошланган ва Имманиузл Кант бу принцип марказига эзгулик тоясини кўйиб: «Агар барча одамлар эзгуликни мақсад қилиб олганларида, улар учун бурчнинг кераги бўлмас эди, чунки ҳеч ким ёвузлик томон қадам босмас эди»<sup>2</sup> - деб таъкидлаганида нечоғлик ҳак бўлганини ҳозирги кунда хам кўринш мумкин.

Эзгулик ва ёвузликнинг яна бир ўзига хос томони шундаки, бу жуфтлик тушунча инсон фаолиятини баҳолаш хусусиятига эгадир. Уни одам боласининг улуғлиги ва тубанлигини ўлчайдиган муқаддас торозига

<sup>1</sup> М. Қажхорова. Мънавий идеал., Тошкент, «Мънавият», 2008. 10-12 бетлар.

<sup>2</sup> Фрагменты греческой философии. Тексты Том 2, Москва «Наука», 1989. 41-бет.

ўхшатиш мумкин. Инсоннинг комиллиги, жамиятнинг такомилиига эришган-эришмагани ўзу мезон билан улчанади. Чунончи, Сталиннинг ёвуз инсон, собиқ шўролар иттифокини эса жамият сифатида «ёвузлик салтанати» деган ном билан аталиб келганилиги хеч кимга сир эмас.

Эзгулик ва ёвузлик хақида гап борганида, яхшилик ва ёмонлик нима? Бу икки жуфтлик мазмунан бир эмасми деган савол түгилади. Бу табиий холат. Чунки хозиргача бизга маълум ўзбек тилидаги барча ахлоқшуносликка доир адабиётларда эзгулик ва ёвузлик мезоний тушунчалар сирасига киритилмаган, у бор-йўғи яхшилик ва ёмонликнинг тарзида тақдим этиб келинганд. Тўғри, яхшилик тушунчасининг кўнгина унсурлари эзгуликдац, эзгуликнинг бавзи унсурлари яхшилиқдан жой олишини инкор килиш мумкин эмас. Уларнинг зиддида ҳам шундай «сингишиб кетиши»лик мавжуд. Лекин бундай далиллар асло мазкур икки жуфтликни айнанлаштиришга асос бўла олмайди. Улар орасида қатъий фарқ мавжуд: эзгулик, юкорида айтганимиздек, ижтимоийлик хусусиятига эга, яхшилик эса ундей эмас. У асосан шахснинг одобига, хулқига боғлиқ бўлган ижобий ҳодиса. Зоро, унда мардлик, очиккўнгиллилик, ҳалоллик сингари ахлоқий меъёрлар мавжуд бўлади. Бироқ у қаҳрамонлик, жасорат, ватанпарварлик каби тамойиллар даражасига кўтарила олмайди. Масалан: «...1966 йил, куз фасли, Зилзиладан заарарланган Тошкент қайта тикланаётган пайтлар.

*Кимдир кўп қаватли янги уйга кўчган, бошқа бирор ҳовли-жой қуриб олиш тараддуудида. Ер олиб, уй куришини бошланган шаҳарликлардан бири деворни кўтариб қўйди-ю, устини ёпишига қўли калталик қилди. Маблаг ўйқ. Ўзингда ўйқ – оламда ўйқ. Таниш-билишларнинг бошида ҳам шу савдо. Кор-ёмғирли кунлар бошланса, беш боланинг ҳоли не кечади?*

У ўйлаб, ўйига етадмай, қариндош-уруглари эшигини қоқа-қоқа, охирни Ўзбекистон ҳалқ ёзувчиси Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек ҳовлиси олдига келиб қолди. «Кел, шу хонадон соҳибидан ҳам ёрдам сўраб кўрай, зора, ундан бир яхшилик кўрсам», - дея умид билан эшик қоқади. Минг хаёл билан ичкарилар экан, ҳовлидаги файз-тароватдан кўнгли ёришиди.

*Адид уйида ёлгиз ўзи ишлаб ўтирарди. Мехмон салом-аликдан кейин дардини айтди. Ойбек домла эса мутлақо нотаниш кишининг гапларини эшишиб, дейди:*

*- Манави хонага кириңг, фалон ерида жавон, унинг ичидә бир ҳамен бор, олиб чиқинг.*

*Мехмон ҳаменни олиб чиқди. Ойбек ундан санаб ҳам ўтирумай, таҳлам пулни олди-да, меҳмонга тутқазди... Уй томи ёнилди. Бола-чақа билан янги уйга күчib ўтдишар. Роза бир йил деганда оша бошлиги керакли маблагни тўплаб, адиднинг ҳузурига келди:*

*- Раҳмат, Ойбек ака. Менга ҳам, фарзандларимга ҳам оталик қилдингиз. Бу яхшилигинизни унумтаймиз. Асло кам бўлманг. Мана пулингизни олиб келдик.*

*- Йўқ – Йўқ, – дейди домла ранжиб. Ололмайман. Бу пулни мен сизга чин кўнгилдан берганиман. Яхшиси, ўзингизга жиҳоз, жиянларга кийимбош, мактаб ўкув қуроллари олиб беринг...*

*1968 йил ёзи. Устоз Ойбек оламдан ўтгач, ўша хонадон соҳиблари узоқ вакт қайгуда қолдилар*<sup>1</sup>.

Бу қанака туйғу бўлиши мумкин? Яхшиликми ёки эзгуликми? Ёмонликми ёки ёвузлик?

Буюк шоиримиз Мир Алишер Навоийнинг фаолиятига эътибор берайлик. У киши умрини ижодий меҳнатга бағишлади. Ҳалки учун, нафакат ҳалки балки бутун жаҳон учун «Ҳазойину ул-маоний», «Махбуб ул-кулуб», «Ҳамса»дек буюк асарлари миллионлаб инсонларга юзлаб йиллар мобайннида завқ-шавқ улашиб, уларни комилликка чорлаб келмоқда. Айни пайтда, у кўплаб яхшиликлар қилди – муҳтоҷ одамларга қарз берди, касалхонлар очди, ариқлар қаздирди ва х.к. У зотнинг бу яхшиликлари, ажойиб ижодий ходиса бўлгани учун холда, ўткинчилик хусусиятига эга,

<sup>1</sup> Анвар Иноқов. Ўзбекистон Журналистлари уюшмаси аъзоси, меҳнат фахрийон, «Хуррият» газетаси, «Улуглар ҳастидан» рукни. 2015 йил 13 май.

шунингдек, қаҳрамонлик ҳам, буюк жасорат ҳам, ватанпарварлик ҳам эмас. Демак, яхшиликни йирик ижтимоий ҳодиса – эзгулик билан айнанлаштириш тўғри эмас.

Бу икки жуфтликнинг яна бир фарқли томони шундаки, эзгулик хеч качон ёвузликка айланмайди, ҳар қандай замонда, ҳар қандай шароитда ҳам ёвузлик бўлиб қолаверади. Яхшилик ва ёмонликда эса бўндан эмас: бирор объектга қилинган яхшилик бошка ҳар бир объект учун ёки яхшилик қилган субъект учун ёмонликка айланиши мумкин. Машхур ўзбек халқ эргакларидан биридаги овчи қувиб келаётган бўрини қопга яшириб, қуткариб қолган дехконнинг ҳолатини бунга мисол сифатида келтириш мумкин. Бўри ўзига яхшилик қилиб, ўлимдан куткарган одамини емоқчи бўлади, хайриятки, тулки дехконнинг жонига оро киради.

Ахлоқшуносликнинг яна бир мезоний тушунчаси – адолат. Унинг эзгулик ва ёвузлик ҳамда яхшилик ва ёмонликдан асосий фарқи шундаки, адолатнинг ўзи бирор бир қадриятни англатмайди, лекин қадриятлар орасидаги нисбатни белгилайди, уларни баҳолаш мақомига эга. Шу боис унда жамиятни тартибга солувчилик хусусияти бор; унда ҳам ахлоқий, ҳам хукукий талаблар мўжассамлашган. Уни маълум маънода миқдор ўлчовчи ҳам дейиш мумкин. У талаб билан такдирлашни ўлчаб турадиган тарозидур. Адолат бор жойда ижтимоий жабрга, бебошликка йўл кўйилмайди. Адолатнинг мезонийлик хусусияти, айниқса, хукукда дарҳол кўзга ташланади. Хукук вазирлигининг ҳатто адлия вазирлиги деб аталиши, жиноятта яраша жазони белгиловчи, хукм чиқарувчи идораларнинг ҳалқ суди, одил суд деган номлар билан юритилиши бунинг далилидир. Лекин адолатни факат хукукий тушунча сифатида талқин этиш тўғри эмас. У, юқорида айтганимиздек, кенг қамровли ахлоқий тушунча. У нафақат фуқаролар орасидаги муносабатларни, балки давлат билан ҳалқ, жамият билан шахс ўргасидаги алоқалар мезонини ҳам ўз ичига олади. Ҳалқ орасида минг йиллар мобайнида одил подшо идеалининг яшаб келгани бежиз эмас.

«Адолатли подшоҳ ҳақ таолининг ҳалойиңкә кўрсатган марҳаматидир; бундай шоҳ мамлакат учун тинчлик ва фарофонлик сабабчисидир...»<sup>1</sup>

«Пойтахтнинг Шайхонтахур тумани судида аяничирик воқега шоҳид бўлдик; ота ўз қизини судга бериб, оғир жазо беришини талаб қиласпти. Ажабланаяпсизми? Биз ҳам дастлаб ажабланган эдик, сўнг газабландик. Гувоҳликка келганлардан бири: «Агар одилман десангиз, бу қизни энг олий жазо – отишга хукм қилинг, хукмни ҳалқ олдида изро этинг. Ноқобил фарзандлар бундан ўrnak олсин!», - деди. Ўлим жазосига лойиқ кўрилаётган қиз отанинг ёлгиз фарзанди экан. Онадан ёш етим колибди. Қизини баҳтини ўйлаб, ота бошқа уйланмабди. Қизини орзу ҳавас билан куёвга узатибди. Ҳасталаниб шифохонага ётганида нафсиға банди қизи ота номидан қалбаки хужжатлар тайёрлаб, уйни сотиб юборибди. Ота шифохонадан қайтса-ки, уй йўқ... Колгани сизга маълум. Албатта бу фарзандни ўлимга хукм қилмайди. Товламачилиги учун бир неча йилга қамар ёки аёллигини ҳисобга олиб, озодликдан шартли равишда маҳрум қилар. Лекин Аллоҳининг жазоси қаттиқ бўлади! У фарзандни суд ўлимга хукм қилмаса ҳам аллақачон ўлган, тирик ўликка айланган ҳисобланади. Ундан энди ер ҳам ҳазар қиласди. Эсини йигиб тавба қиласа қиласди, бўлмаса охирати тамом куяди. У-ку тавба қиласар, аммо ота рози бўлармикан ундан?».<sup>2</sup>

Улар жамият томонидан шахсга қўйиладиган талаб тарзида намоён бўлиб, инсоннинг ахлоқий моҳиятини, унинг ҳаёти мазмунини, одамлар билан ўзаро алоқаларидағи асосий жиҳатларини белгилаб беради. Натижада тамойиллар, инсон ҳатти-харакатининг умумий йўналишларини кўрсатган холда, кўпгина ахлоқий меъёрлар учун асос бўлиб хизмат қиласди.

Ахлоқий тамойилларнинг энг қадимий ва энг муҳимларидан бири – инсонпарварликдир. У – инсоннинг юксак ижтимоий вазифасини

<sup>1</sup> Алишер Навоий. «Махбуб ул-кулуб». Тошкент., F.Фулом номидаги Адабиёт за санъат нашриёти. 1983., 15 бет.

<sup>2</sup> Тоҳир Малик. «Одамийлик мулки»(Ахлоқ китоби) Тошкент , «Шарқ», 2008. 98 бет.

белгилайдиган ва баркарор этадиган тоялар, қарашлар ва эътиодлар мажмуй, шахс эрки, кадр-киммати, унинг бахтли бўлиш хукукини талаб этиш имконининг мавжудлигига енгилмас ишончидир. Инсон хушфеъллик ва бадфеъллик; ширинсуханлик ва қўполлик ватанпарварлик тамойилини, Европа Уйғониш мутафаккирлари дастлаб илгари сурғанлар, деган фикр мавжуд. Аслида, инсонпарварлик даставвал Шаркда ўргага ташланган, инсонийлик, инсонпарварлик деган маънени билдирувчи «намлуу» сўзи бундан 3-4 минг йиллар аввалга қадимги Сомир миҳнатларида учрайди.

Инсонпарварлик - умуминсоний қадриятлар сирасига киради. Уни шўролар давридаги синфийлик нуктаи назаридан сохталаштириш пролетар диктатураси ва тоталитар социалистик тузум ҳамда улар ижодкорларининг инсонпарварлиги ҳакидаги афсоналар жуда қисқа умр кўрди. Ҳар бир шахс инсоний хукукларини таъминлаш учун курашиш – инсонпарварликнинг асосий вазифасидир. Бу борада умумбашарий маънавий қадриятларни устивор деб билган бизнинг давлатимиз ҳам мамлакатимиз ичкарисида, ҳам дунё миқиёсида кўзга кўринарли ишлар қилинмоқда.

Мамлакатимизда инсонпарвар ва демократик жамият барпо этилмоқда. Биз ҳалқимизнинг мукаддас қадриятлари ҳамда улкан тарихий меросига таяниб, шунингдек умумэътироф этилган демократик тамоил ва меъёрларига риоя қилган ҳолда, инсонпарвар жамият барпо этмоқдамиз. Бугунги келиб мустабид тузум асаротларидан, унинг ғайринсоний тояларидан, шунингдек якка мафкурачилик амалидан ҳолос бўлдик. Ҳозирги мураккаб ривожланиш босқичида Ўзбекистоннинг демократик истиқболини жамиятда инсоннинг туб манфаатларига мос ижтимоий муносабатларни шакллантириш оркалигина таъминлаш мумкин. Ахлоқшунослик фанида инсонпаварлик ва демократик тамоиллари инсон ва жамият манфаатлари уйғулигини белгилаб берувчи таянч нукта ва жипслаштирувчи куч ҳисобланади.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Миллий истиқтол ғояси: асосий тушунчалар ва тамоиллар. Тошкент. «Ўзбекистон файласуфлари милий жамияти». 2001. 173-174 бетлар.

Агар инсонпаварлик тамойили шахснинг барча инсоний ҳак-хукукларини ҳимоясида турса, яъни анча кенг камровли ва умумий интилиш бўлса, эркпарварлик тамойили унинг маълум маънода муайянлашган бир кисми ҳисобланади. Эркпарварлик инсоннинг энг олий ҳукуки – эркин, озод яшаш ҳукуқини ҳимоя қилиш билан мухимдир. Зоро, эркенз инсон – асир, эрксиз миллат – кул, эрксиз мамлакат – мустамлака. Эркпарварлик, аввало, ўз миллати ўз Ватани эрки учун, колаверса, бошқа миллатлар ва ватанлар эрки учун курашни ҳаётнининг мақсад қилиб қўйган инсонлар тамойилидир. Айни пайтда, бу тамойил кенг ижтимоий сиёсий маънода ҳам қўлланилади. Буни эркпарвар давлатлар фаолиятида кўриш мумкин.

Ўз ҳак-хукукини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, ён-атрофда содир бўлаётган воқеа-ходисаларга мустақил муносабат билан ёндошадиган, айни пайтда шахсий манфаатларини мамлакат ва жамият манфаатлари билан уйгун ҳолда кўрадиган инсонгина ахлоқий тамойилларини тўғри баҳолай олади. Эркпарварлик жараённада инсон ҳак-хукукини таъминлаш, инсонпарварлик ва умуминсоний қадриятларга риоя этиб яшаш жамиятимиз ҳаётнининг асосий мезонига айланиб бормокда. Шу ўринда эркпарвалик тамойилининг ижобий ва салбий жиҳатларга эга эканини таъкидлаш зарур. Унинг ижобий жиҳати шахснинг ўз манфаатларига мувофиқ равишда ҳаракат қилиш имкониятини ифодалайди. Бунда шахс бирор-бир моддий ва маънавий неъматга интилиб, шу йўлда зарур ҳатти – ҳаракатлар қилиш имкониятини вужудга келтириш мумкинки, бу ҳатти-ҳаракатлар ўз навбатида бошқаларнинг интилиш ва манфаатларига зид келмаслиги керак.

Энг маълум ва машхур тамойил, бу – Ватанпарварлик. У инсоннинг ўз Ватанига мухаббатини, уни асраб-авайлашга бўлган иштиёқини англатувчи ахлоқий тушунча. Уни кўпинча Ватан душманларига қарши маънавий-мафкуравий курол сифатидагина талқин этадилар.

Хеч кимга Ватанни, ота-онани таңлаш имкони берилмаган. Улар фактат Яратганинг ўзи ато этадиган улуғ ва мукаддас незъматдир. Ана шу улут незъматни асраб-авайлаш, унинг сарҳадларини гуллаб-яшнатиш ўз кўлимиизда. Бундай имкониятни эса бизга улуғ истиқол берди. Барчамизнинг киндик конимиз Ўзбекистон тупрогига тўкилган, барчамиз учун у бамисоли Она. Ана шу туйғу боис киши калбидан Ватанга меҳр тугилади, у фарзандларини буюклика, жасоратта етаклайди.

Президентимиз И. Каримов таъбири билан айтганда: «Инсон ўзлигини англағани, насл-насабини билган сари юрагида Ватанга муҳаббат туйгуси илдиз отиб, юксала боради. Бу илдиз қанча чукур бўлса, туғилиб ўсган юртга муҳаббат ҳам шу қадар чексиз бўлади», у ўз тақдирини Ватан равнақи билан боғлиқ деб билади.

Ватаннинг равнақи, унинг фарзандлари камолотига боғлиқ. Бу эса ҳар бир юртдошимизни ўзининг маънавий камолоти учун юксак маъсудиятни хис этишга, ўз манфаатларини шу юрт, шу ҳалқ манфаатлари билан уйгуналаштириб яшашга даъват этади. Бу эса ватанпарварлик туйгусида намоён бўлади. Ватанпарварлик – кишининг ўзи туғилиб ўсган, камол топган жой, замин, ўлкага бўлган муҳаббатини, муносабатларини ифода этадиган ижтимоий ва маънавий-ахлоқий хислатлари, фазилатларидир. Фидойилик ватанпарварликнинг бош белгиси хисобланади, унинг олий кўриниши эса жасоратдир. Бугунги кунда эса бозор иқтиёди шароитида ватанпарварликнинг муҳим кўринишларидан бири сифатида тадбиркорлик сифатида намоён бўлмоқда.

Тарих ватанпарварлик туйгусини шакллантиришдаги энг буок куроллардан биридир. Ўтмишда Она-Ватан ҳимояси, юрт тинчлиги учун жонини фидо килишга тайёр турган Широқ, Спитамен, Жалолиддин Мангуберди каби шахслар бўлғанлиги фактининг ўзигина кишиларда келажакка ишонч рухини мустаҳкамлайди.

Ватан равнақи, аввало унинг фарзандлари камоли билан чамбарчас боғлиқ. Буни чукур англаған давлатимиз раҳбари эса бор кучи, гайрати,

имкониятларини комил инсон тарбиясига сафарбар этаятилар. Буни ҳар бир ватандошимиз, жумладан, жаҳон кўриб, ёшларга бўлаётган эътибордан ҳамма ҳайратта тушаяпти ва кўллаб-қувватлаяпти.<sup>1</sup>

Аслида эса, бу тамойилнинг қамрови анча кенг – у инсонпарварликнинг нисбатан муайянлашган шакли. У, энг аввало, ўз ватандошлари эркини асраш учун кураш, инсон озодлиги йўлидан хатти-харакатларидир. Ватан химояси, бу – инсон озодлиги химояси – миллат химояси. Лекин бу химоя, юкорада айтганимиздек, факат жанг майдонида змас, балки барча соҳаларда намоён бўлади. Ҳар бир соҳада Ватан эришган муваффакиятлардан кувонч, муваффакиятсизликлардан, кайғу хиссини туюшdir. Ватан билан турурланиш, унинг ҳар бир жарич ери, биносининг ҳар бир гиштига, қадимий обидаларига, илм-фан ва санъатдаги ютукларига меҳр билан караш, уларни кўз корачигидек асраб-авайлаш – булар ҳаммаси ватанпарварликдир.

Хозирги пайтда ёшларимизда ватанпарварлик туйгусини тарбиялаш, уларни Ватан маъносини теран англаб етишга ўргатиш, ватанпарварлик – юксак ахлоқий тамойил эканини тушунтириш фанимизнинг долзарб вазифаси ҳисобланади.

Шабнам-шабнам тонгларда жайронларга айланган,  
Онанг сувлар сепландарайхонларга айланган,  
Бир кечада соғинчинг осмонларга айланган,  
Сотинчларингдай зангор осмонлари Ватандир.  
Дерлар хусни малоҳат вафо қилмас арир у,  
Сен ёр десанг туцдаги Лайлоларга арзир у,  
Ҳаридан ҳам ҳарири паридан ҳам парирў,  
Сойларга соя солган мужгонлари Ватандир.  
Бешикларда ўйнаган оплок-оплок кўлчалар,  
Кўзмунчоққа сўйлаган кўзмунчоқдай кўзчалар,

<sup>1</sup> Миллый истиқбол гоҳси, асосий тушунчалар ва тамойиллар. Тошкент. «Ўзбекистон файласуфлари милий жамиятин». 2001. 152-153 бетлар.

Очилган гул-гунчалар, канду асал күлчалар,  
Момоларинг тўй қилган айвонилари Ватандир.  
Отанг солған уйлар бу синчлари бардошларга,  
Токлари ўхшаб кетар мўйсафид элдошларга,  
Томлар узра чўзилиб кўклар, ой, куёшларга  
Узум узатиб турган нарвоnlари Ватандир.  
Бир йигитга оламда ҳам ёру ҳам ор керак,  
Номуси баланд эрга на сўз, на гуфтор керак,  
Фарзандлари улғайса шерюрак, арслонюрак,  
Элнинг хар они давру давронлари Ватандир.  
Аллоҳ ўзи буғдойинг –тилоларга етказгай,  
Қабогининг остидан балоларни кетказгай,  
Оқсаройу Кўксарой дунёларга етказгай,  
Ор-номусдан яралган қўргонлари Ватандир.

Сирожиддин Сайид. Ўзбекистон халқ шоири..

Она юрти ва истиқлого садоқат шахсда ватанпаварлик ахлоқини шакллантиради. Ватанпаварлик ахлоқи шахснинг маънавияти билан боғлиқ тушунчадир. Файласуф олим И. Ильин «Ватан – руҳий тушунча, руҳ ватан учундир», - дейди. Бунинг маъноси шуки, ватанпаварлик туфайли киши маънавий тетикликни ҳис этади. Шу маънода ватанинн ҳур, озод кўриш шахснинг маънавий истаги ва ахлоқий қиёғаси ҳисобланади. Бу ўринда «садоқат» тушучасига ҳам зътибор бериш қерак. Ахлоқий ва маънавий етуклик садоқатлиликни тақозо этади. Чунки кишининг руҳи изчилиликни севиш билан садоқат туйғусидан озиқланади. Демак, садоқат – руҳни улгайтиради ва ватанпаварлик ҳисси руҳга сингиб кетади<sup>1</sup>.

Яна бир ахлоқий тамойил, бу – миллатпаварлик. У маълум маънода, ватанпаварлик тамойилининг яна муайянлашган шакли. Зоро, миллатни севиш кенг маънода Ватанинн севиш дегани. Ватансиз миллатнинг бўлиши ёки расмана эркин ва баҳтли яшashi мумкин эмас.

<sup>1</sup> М.Қаххорова. «Маънавий идеал», Тошкент, «Маънавият», 2008. 23 бет.

Лекин миллатпарварликни миллатчилик билан кориштириб юбормаслик лозим. Миллатчилик ўз миллатини ажратиб олиб, унга буюклик мақомини беришга интилиш бўлса, миллатпарварлик, бошқаларни камситмаган холда, ўз миллатини равнаки учун курашиш, лозим бўлса ўз ҳаётини ҳам фидо қилиш демакдир. У инсонпарварлик билан чамбарчас боғлиқдир. Чунки ўз миллатини чин дилдан севмаган одам ҳеч қачон бошка миллатларни сева олмайди.

Асл миллатпарвар – миллий ўзлигини англаб етган инсондир. У ўз миллати билан бутан жаҳон фахрланинишини истайди. Чунончи, Алишер Навоий дўппи билан тўн кийган ўзбекни ҳар қандай шоҳ жамолидан афзал кўради.

Шоҳу тожу хильъатеким, мен томоша қилғали,  
Ўзбегим бошида каллоқ, эгнида шардоги бас.

Лекин Мир Алишер Навоий ҳазратлари шу фахрланиши, ғурурланиши баробарида ўзгаларга кибр билан қараган эмас, аксинча, ўзга тил вакилин бўлмиш устози Абдураҳмон Жомийга бағоят хурмат-иззат кўрсатиб, унга пирим деб кўл берган эдилар.

Асл миллатпарвар инсонларнинг умри миллатнинг умри каби мангудир. Миллат йўлида ўз жонини тиккан Мунаввар Қори, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид ўғли Чўлпон сингари минглаб фидойиларни ҳалкимиз ҳам ҳеч қачон унутмайди.

Инсон ҳаётида ахлоқий меъёрлар ҳам катта аҳамиятта эгадир. Улар тамойилларга нисбатан анча содда, умумлашган, тор камровлидир. Уларни кундалик ҳаётимизда маълум ахлоқий тамойилларнинг амалга ошириш мурватлари дейиш ҳам мумкин, улар ахлоқий талабларнинг энг оддий шакли сифатида рӯёбга чиқади. Ҳалоллик, ростгўйлик, хушмуомалик, боодоблик, камтарлик, сингари меъёрлар ҳам айникса диккатга сазовордир. Шуни ҳам айтиш керакки, ҳалолликни унинг дастлабки тор диний мазмундаги қайси таом ҳаром-у, қайсиниси ҳалол, деган маънода тушунмаслик лозим. У аллақачон умуминсоний маъно касб этган меъёрга айланган. Ҳалоллик,

ростгўйлик виждан тушунчаси билан боғлик, инсоннинг ўзгага муносабати ўзига муносабатдек соғ бўлишни талаб этувчи меъёрлардир.

Ўилаб меъёрлар орасида бу иккисига тўхталишимизнинг сабаби шундаки, мустамлакачилик даврида, айниқса, шўролар хукмронлик қилган чоракам бир аср вакт мобайнида ёлгон, алдов, нопоклик, харомхўрлик, мунофиқлик сингари иллатлар халқимизга шу кадар усталик билан сингдирилдики, хозирги пайтда кўпчилик одамлар халоллик ва ростгўйлик устидан ҳатто кўладиган бўлиб қолди. Сўз билан иш бирлиги йўқолган, қоғоздаги чиройли гаплар ҳаётга тўғри келмайди.

*«Истиқтол шарофати туфайли Сталин замонидаги яширин хужжатлар билан танинши имкони тугилди. Фожиа шунда эканки, ўша йиллар қамалган ва отиб ташланганларга «ўз дўстлари» холис хизмат қилиб берганлар. Абдулла Қодирийни олайлик. Сталин ўзбекда шундай ёзувчи борлигини биларканми? Ёки «Ўтган кунлар» китобини ўқибдими? Усмон Носир қамалганда Сибирдан туриб Сталинга хат ёзган эканлар, ўзларининг айбиз эканликларини исбот этмоқчи бўлганлар. Москвадаги идора бу хатни текшириш учун Тошкентга юборган. Тошкентдаги «дўстлар» Усмон Носир изходида ҳалқ душманига хос мазмун борлигини таъкидлаб жавоб йўллаганлар. Бу ўринда биз хусумат, гараз, ҳасад каби иллатлар булогидан сув ишиб семирган дўстликка дуч келаяпмиз», - деб ёзади Тоҳир Малик ўзининг «Одамийлик мулки» асарида.*

Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ, бу иллатларга карши кураш бошланди. Ҳозирги кунда эса давлатимиз миллий маънавий қадриятларни тиқлашни, инсонларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга чақиришни ўз ички сиёсатимизнинг муҳим кисми деб билган холда иш тутмокда.

Шундай қилиб, кисқача бўлса-да, ахлоқшуносликниң мезоний тушунчалари, ахлоқий тамойиллар ва меъёрлар нима эканини, уларнинг шахс ҳамда жамият ахлоқий ҳаётгидар накадар муҳим ўрин тутишини кўриб чиқдик.

## **4-Мавзу ОИЛА, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДАВЛАТНИНГ АХЛОҚИЙ АСОСЛАРИ ҲАМДА ШАХС АХЛОҚИЙ ТАРБИЯСИ**

1. Никоҳ энг қадимги ахлоқий муносабат шакли. Буюк мутафаккирлар оиланинг мукаддаслиги хакида.
2. Оиласидаги ижтимоий-маънавий мухитнинг фарзанд тарбиясига таъсири, эркак ва аёлнинг ўрни.
3. Оила шаънини сақлашда ота-она ва фарзандлар масъулияти ва бурчлари; ажралиш ва унинг оқибатлари
4. Давлатнинг ахлоқий моҳияти. Давлат томонидан ёш оиласидарни ижтимоий муҳофаза қилинишининг аҳамияти.

Оиласи фуқаролик жамиятнинг, давлатнинг энг муҳим хужайраси дейишади. Чунки ҳар бир жамият аъзосининг, бўлажак фуқаронинг тарбияси оиласидан бошланади. Оила уч жиҳатни: ўзининг бевосита кўриниши бўлмиш никоҳни; оиласий мулк ва анжомлар ҳамда улар хақидаги ғамхўрликни; болалар тарбиясини ўз ичига олади.

Аввало, никоҳ ҳакида тўхталиб ўтайлик. Конунга биноан никоҳ тузиш шартларида энг муҳимлари – никоҳга кирувчиларнинг ўзаро розилиги ва уларнинг никоҳ ёшига етганликларидир. Бизда йигитлар учун – 18 ёш, қизлар учун 17 ёш никоҳ ёшлари килиб белгиланган. Бу масаланинг ҳуқукий томони. Унинг иккинчи – ахлоқий томони ҳам борки, у севги, муҳаббат, кўнгил иши билан борлиқдир. Никоҳ тузишдан олдин икки ёш орасида гоҳ очик севги – мунтазам учрашувлар, ахду паймочлар килиш ёки орқаровотдан бир-бирини ёқтириш ҳолатлари бўлиш мумкин. Ҳар иккала ҳолатда ҳам розилик ўзгармас шарт ҳисобланади.

Баъзан, қадимда Шарқ ҳалқларида, шу жумладан ўзбекларда қизнинг ёки йигитнинг розилигисиз тўй қилиб юборицган, ота-оналар келишишса – бас, деган фикрларни учратамиз. Ваҳоланки, бундай ҳолатлар кам бўлган, уни мусулмончилик инкор килади. Ривоят қилишларича, пайғамбаримиз

Мухаммад алахиссалом уйларига совчи келганида, кизлари Фотимадаи доимо розилик сўраганлар ва рад жавобини олганлар. Фақат Ҳазрат Али совчи кўйганларида, Биби Фотима розилик берганлар. Демак, фарзандининг розилигини олиш бизга Пайғамбаримиздан колган суннат экандир.

Хозирги кунда ҳам қўпгина ёшларимиз совчилар орқали турмуш курадилар. Одатда совчилар келиб кетгандан сўнг, йигит балан қиз учраштирилади, иккаласи бир-бирини маъкул кўрсаларгина, фотиҳа қилиниб тўй тараддуди кўрилади. Жуда кўп ҳолларда бундай ёшлар ўртасида кейинчалик ҳақиқий муҳаббат шаклланади. Абдулла Кодирийнинг «Ўтган кунлар» романидаги тасвирланган Отабек ва Кумуш ўртасидаги севгини бунинг мумтоз намунаси деса бўлади. Лайли билан Мажнуннинг муҳаббати ҳамма севишганларга ҳам насиб этавермайди. Бундай романтик-сурурӣ севги реал ҳаётда камдан-кам учрайди. Бунинг устига, оилавий муҳаббат маълум маънода салобатли, кўпроқ яширин тарзда намоён бўлади.

*«Накъ қилишиларича, ишқнинг ҳажр ўти Мажнун жонига илашиди, заиф баданига ҳароратли у ўтнинг алангаси туташди. Ҳар қанча муолажа қиласалар ҳам фойда қилмади – касали ортди, иситма тушмади. Бемор оғирлашиб, жон талвасасига тушганда, кимдир бу аҳволдан Лайлини хабардор қилди. Паривашни бу хабар ношод этиб, ўз девонасининг ҳолини сўраш учун нома ёзди. Бир одам хатни Мажнунга етказганида, унинг танида жон асари қолмаган эди. Шу пайтда меҳрибонлари Лайли номасини ўқиганларида bemornинг эшитаётгани ва таъсирланганини сездилар. Ҳар гал нома тақрор ўқилганида, bemор танига жон қайта киргандек бўлар эди. Бемор касалдан тузалиб, сиҳат-саломат болини кўтарганча бу хатни тақрор ва тақрор ўқида, согайгач эса тумор қилиб бўйнига тақиб олди. Ишқ алангасидан Мажнуннинг касали тузалди ва у сўз тақоридан бадани қувватга кирди<sup>1</sup>.*

*«...К-эй жонинг ўлуб менинг маконим.*

*Ким жонингга садқа ҳаста жоним.*

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Лайли ва Мажнун. Тошкент., Ғ. Гулом ном. Адабиёт ва санъат нашриёти., 1976 й 63 бет.

*Ранжимна ўзингга олдинг асру.*

*Дарду аламимга қолдинг асру.*

*Минг йил ҳам агар тирик бўйин,*

*Узрунгни не тил била қўйойин?...»*

Ҳазрат Мир Алишер Навоий ишқнинг баёнини бундай тасвирлайдилар:

*«Ишқ – порлоқ юлдуздир, башарият кўзининг нуру зиёси шундай. Ишқ – товланиб турувчи гавҳардир – инсоният тоғсининг зийнати ва баҳоси шундан. Ишқ – толеъ қуёшидир, қайгули диллар тиканзори ундан гулшан. Ишқ – балқиб турган тўлин ойдир, қорогу кўнгиллар кечаси равшан... Ишқ – алангали чақмоқдир, кўпгина жону дилларни ёлқини билан кул қиласди. Ишқ – аждоҳодир, оламни домига тортмоқ унинг тилаги... Ишқ – шунчалар қайсарки, унинг олдида подшоҳ ҳам, гадо ҳам тенг, у шундай зулмкорки, унинг қошида ифлос-фосиқ ҳам, покдил ошиқ ҳам бир ҳам бир... Дунё бозорининг гавгоси ва дунёда ҳамма нарсаларнинг савдохонасидағи шовқин-сурон – ишқ туфайлидир...»<sup>1</sup>*

...Йигит ва қиз турмуш курганларига қадар бир-бирларининг одатларини, феъл-атворлари ва руҳиятларини мукаммал ўрганишмаса, оилани баҳтиёрлик пойдеворига қиришлари осон бўлмайди. Чунки яхши оила қуриш учун биргина муҳаббат кифоя эмас. Орада дўстлик ва ишонч бўлиши керак. Шундай оилаларни учратамизки, эр-хотин бир-бирини севади, турмуш қуришни эса билимайди. Оила қуришда маълум босқичларда биргаликдаги кураш, машакқатларни биргаликда енгиб ўтиш талаб этилади. Дейдиларки, «Муҳабаттанинг кўзи кўр бўлади». Яъни бир-бирига кўнгил кўйган йигит ва қиз унча-мунча хато ва камчилликларини сезмайдилар, сезсалар ҳам эътибор бермайдилар. Муҳабаттанинг кўзи кўр бўлса, оиланинг кўзлари ҳамиша очик бўлади. У ҳатто тунлари ҳам юмилмайди.

Бир-бирини билиш – бир-бири ҳақида ҳамма нарсани билиш эмас. Бу бир-бирига нисбатан ишончли ва ёқимли муносабатда бўлиш, бир-бирига

<sup>1</sup> Алишер Навоий «Ҳамса», Лайли ва Мажнун. Тошкент., F. Гулом ном. Адабиёт ва санъат наш. 1986. 215 бет..

ищониш демакдир. Одам бошқа шахснинг руҳий оламига бостириб киришга уринмаслиги керак. Лекин айрим эр-хотинлар ажралишиб кетишганларидан сўнг, айниқса, бошқа оила қурғанларидан кейин бир-бирларини қадрларига ета бошлайдилар.

Оиланинг яна бир жихати – унинг ўз мулкига эгалигидир. Агар никоҳ оиланинг ботиний кўриниши бўлса, оилавий мулки унинг ташки кўриниши дейиш мумкин. Оиланинг мавжуд бўлиши учун ишлаб топиладиган маблағ ҳам зарурдир. Оила учун топиладиган ана шу маблағ, шубҳасиз ахлоқий табиятта эгадир. Оила бошлиги оила аъзоларини ҳалол едириб-ичириши, кийдириши лозим бўлади. Оилани эркак киши бошқаради, у нафакат «стопиб келади», балки оилавий мулкка хўжайнчилик қилиш, уни тақсимлаш хукуқига ҳам эгадир.

Оилада фарзанд тарбиясининг аҳамияти ниҳоятда катта. Ота болада ўз жуфти ҳалолини, она эса севимли эрини кўради... Фарзандда эр-хотиннинг муҳаббати жонланади. Бола – оилани тутиб турувчи жонли муҳаббатдир. Болалар оилада умумий оилавий мулк ҳисобига еб-ичадилар, тарбия оладилар, таълим оладилар, хаёт кечирадилар. Оилада фарзандлар интизомли бўлиб ўсмоқлари, ота-онага бўйсенишлари лозим. Лекин бу интизом кулликка ўргатиш эмас. Балки болаларга хос эрка тантлилик, ўзбошимчалик сингари салбий хусусиятларни йўқотишга хизмат қилиш керак. Ота-онага бўйсунишдан бош тортишга йўл кўйиш боланинг келажакда кўпол бадхулк нокамтарин бўлиб етишувига олиб келади. Отанинг фарзандга меҳри-муҳаббати чексиздир, чунки у фарзанди ўз суратидан кўчирилган нусха, деб англайди. Зотан, отанинг тасаввuri тўғридир. Фарзанд отанинг бир жузъий суратда, хулк-атворда унга ўхшайди. Шунинг учун ота фарзанди тарбиясига диккат ва эътибор қиласи. Ўзи истаган фазлу-камолни фарзандларга беришга, уни ўзидан кўра ҳам мукаммал қилиб етиштиришга ғайрат қиласи. Шу максад йўлида ҳар қандай машакқатга бардош беради. Фарзанди жакида халқдан «Тарбия килган отасига раҳмат!» деган олкишни эшитса севинади. Фарзанди орқали қўзлаган максадига етишни истайди, невара, эваралар

кўриб, наслнинг давом этишини орзу қилади. Бу ўринда отанинг ўғил кўрганда кувонишига сабабига изоҳ бериб ўтсак. Албатта, ота учун киз фарзанд ҳам ўғил фарзанд ҳам бир хилда суюмлидир. Иккови ҳам Аллоҳ берган улуғ неъмат ҳисобланади. Аммо ўғил фарзанд насл-насабни давом эттирувчи бўлгани учун ҳам отада алоҳида кувонч уйғотади. Кувонч сабабини қизларни камситишда деб англамаслик керак. Чунки Ислом динида болаларни ажратиш, яъни бирини кўпроқ, иккинчисини камроқ яхши кўриш дуруст ҳисобланмайди.

Фарзандининг хаётига сабаб бўладиган биринчи кувват – она жисмидаги қондир. Чақалоқ шу қондан озикланиб, хаётини саклайди. Бола биринчи сўзни онадан эшигади ва ундан ўрганади. Шунинг учун ҳам биз «ота тили» демай «она тили» деб сифатлаймиз. Болани ўстиришда, тарбия килишда отага қараганда она кўпроқ хисса қўшади. Шунинг учун бўлса керак, ёш болалар отадан кўра онага кўпроқ майли этадилар. Улғайғанларидан кейин ҳам сирларини аввало онага айтиб маслаҳат сўрайдилар. Она фарзанди учун ўзини фидо килишга тайёр турди.

**«Мир Алишер Навоий бир куни қўшни мамлакатга сайёхатга чиқибди. Шахар кўчасидан ўтиб кетаётib, кўзи эшик олдидаги супада йнглаб ўтирган бир аёлга тушиб қолибди. Шонр ундан:**

- Хой, синглим, нега бунчалик изтироб ўтида қовурилайсаниз?- деб сўрабди. Аёл жавоб бермабди. Алишер Навоий яна савол берибди. Шунда ҳалиги аёл:

- Э, йуловчи, нимасини айтасиз. Яхшиси сиз сўраманг, мен айтмай, - дебди-да, йиглаверибди.

- Йиглашингизни боисини айтинг, балжим ёрдамим тегиб қолар, - дебди тагин ҳазрити Алишер Навоий.

- Кўймадингиз-кўймадингиз-да, дебди аёл. Ҳа, майли, айтсан айта қолай. Подиохи олампаноҳимизнинг бир одатлари бор, ўзлари дунёга келган кунлари туғилган бола ўн беш ёшга кирди дегунча уни ўлдиртириб юборадилар. Шу одатлари туфайли ие-ие болалар бевакт

халок бўлди. Мен ҳам бундан бир куни кам ўн беш йил бурун бир ўғил кўрган, уни билдирамасликка қанча уринмай, айгоқчилари пайқаб қолиб шохга хабар қилишган экан. Куни кеча келиб: «Эртага ўғлинг ўн бешга тўлади, подшохликка олиб кетамиз», дейишди. Яккаю ягона нури дийдамнинг куни битди, подшохликдан тирик қайтишига ҳечам аклим етмайди. Қанотидан айрилган лочин ўчолмас, дегандай, боламдан айрилиб колган куним менинг ҳам ўлганим. Мен йигламай, ким йиғласин.

Аёлнинг гапи Алишер Навоийга қаттиқ таъсир қилибди. Шоир болани кутқазишга, подшохнинг бу ярамас феълига хотима беришга аҳд қилибди.

- Хафа бўлманг, синглим, - дебди у аёлга қараб, - бир иложини топармиз. Ҳозир ўғлингиз каерда?

- Уйда ётибди, - деб жавоб берибди аёл.

- Мени уни олдига олиб киринг.

Аёл Алишер Навоийни эргаштириб уйга кирибди. Буларни кўриб бола ўриидан турибди-да, келиб шоирга салом берибди. Ҳазрат алик олгач, болани бир чеккага имлабди-да, кулоғига шивирлаб шундай дебди:

- Онагга айт. Ўз сутидан ҳамир қориб сенга икки дона кулча ёпиб берсин. дебди. Бола нима дейишини билмай қолибди. Буни кўрган Алишер Навоий:

- Бор айтганимни қил, гапимни маъносини кейин айтаман, англайсан. – деб болага. Кейин мен кечроқ қайтаман, дебди-да, кўчага чиқиб кетибди. Бола шоир айтган гапларни онасига етказибди. Онаси, бу гапда бир хикмат бордир, деб ўз сутига ҳамир қориб, ундан иккита кулча тайёрлабди. Кулчаларни энди ёпиб бўлган экан, уйга Алишер Навоий кириб келибди. Аёлнинг кўлидан кулчаларни олиб, болага қараб шундай дебди:

- Бу кулчаларни кўйинингта солгин-да, кўркмай подшо саройига бор. У сени ўлимга хукм қиласди. Сен кўркма. Одат бўйича жаллодлар хукмни адо этишдан олдиндан подшо сендан: «Ўлимнинг олдидан охирги илтимосингни айт, бажарман», деб сўрайди. Шунда: «Султоним, шу кулчаларни есалар», дегин-да кулчадан бирини унга узат. Подшо олмайди. Каҳр-ғазабга келиб: «Мени ўлдирмокчи бўлиб, кулчага заҳар қўшгани бўлсанг-чи!» - дейди. Сен шунда хеч ҳам чўчима, кўркмасдан: «Кулчага заҳар қўшилганми, йўқлигини кўринг», - деган-да уни қок иккига ушатиб, ярмини е. Кейин подшо ҳам ноилож қолган яримтасини ейди.

**Эртаси тонг отибди.** Аzonда подшо айғокчилари келиб, онасининг доди фарёдига кулок солмай, болани саройга олиб кетишибди. Болани кўрган подшо:

- Мен дунёга келган куни туғилган экансан, ҳозир ўлишинг шарт. Аммо ўлимнинг олдидан охирги тилатингни бажаришга вайда бераман. Айт истагингни – дебди.

- Марҳаматингиз учун раҳмат, султону бокарам, - дебди бола. – Охирги илтимосимни бажарадиган бўлсангиз, майли, айтай. Бола шундай деб қўйнидаги кулчаларнинг бирини олиб иккига бўлибди, бир бўлагини подшога узатибди-да: - Шу кулчани есангаз, - дебди.

**Подшо газабга келиб:**

- Нима? Мени ўлдирмокчимисан? Бу кулчага заҳар солинган бўлса-чи? – дебди-да жаллодни чакирибди. Шунда бола кўркмасдан дангал туриб:

- Кулчани иккига бўлиб ярмини сизга бердим. Унга заҳар қўшилган, деб гумон қылдингиз. Майли, аввал мен ейман, заҳар қўшилган бўлса, мен ўлақолай. Бола шундай дебди-да, кулчанинг ярмини ебди. Унга заҳар қўшилмаганини кўрган подшонинг ўз ваъдасини бажаришдан бошка иложи колмабди. Кулчанинг ярмини ебди. Буни қарангки, бирдан подшода болага меҳр уйғониб, ўз туғишган

укасидай яхши кўриб қолибди. Уни шунча ўлдирай дермишу, аммо ўлдирғиси келмасмиш. Ўйлаб-ўйлаб охири: «Кел, - дебди подишо ўзига ўзи, - Вазир қилиб олсам, подшоликни талашмас». Подишо шундай дебди-да, болани ўлдиринш фикридан қайтиб, ўзига ўнг кўл вазир қилиб олибди. Шу кундан бошлаб, подишо ўзи түғилган куни дунёга келган болаларни ўлдиринш одатини хам тарқ этишга мажбур қилган киши – доно Алишер Навоийдан бир умрға миннатдор бўлибди»<sup>1</sup>.

Агар она қад-қоматини бир дараҳтга ўхшатсак, фарзанд шу дараҳтнинг ширин бир мевасидир... Маълумки, Куръон Каримда бирон беҳуда сўз ёки жумла йўқ. Аллоҳ мўмин-мусулмонларни комил инсон қилиб тарбиялаш учун қайси фармонини неча марта тақорорлашни лозим деб билган бўлса, шунча марта нозил қилган. Яратган ўз баңдаларининг жисмоний жиҳатдан хам руҳоний хусусиятларидан хам жуда яхши огоҳдир. Масалан, ота-онага, хусусан онага ўз фарзандларига нисбатан шундай меҳр ато этганки, она учун энг оғир, ҳатто таҳликали давр бўлган ҳемиладорлик ва кўз ёриш даври ҳамда чақолоқни эмизиб, тарбиялаш йиллари ота-она хаётидаги энг баҳти дамлардир.

*... - Ҳайит арафасида онам билан бозорга тушдик. Ниятимга кўра, энг аввал онажонимга янги маҳси олиб бердим. Ўша ернинг ўзида янги маҳсини кийдириб кўйдим. Кейин ковушларини ҳам янгиладим. Сўнгра таглик патак олиб келиб ковушларига солдим. Кейин Туркияning янги пайпогидан ҳам олиб бердим. Онажоним туратгандарида «энди рўмол олиб берсан, бош-оёқ сарпо қилган бўларканман», деб ҳазиллашдим. Онам «ҳа, ҳа» деб кўлиб кўйдилар. Гап-сўзларимизни эшишиб турган маҳсидўз «Онахон, бу йигит ўелингизмилар?» деб сўрадилар. «Ҳа», дедилар онам. Шундай маҳсидўз ҳозир жуда улуг иш рўй берди. Розилик билан шундай жишлоидингиз-ки, мана шу кулгининг ўелингиз учун еру осмоннинг гулга тўлганидан ҳам яхшироқ бўлди. Дунёда Аллоҳга иймон келтирганидан кейин ота-онанинг хизматини қилиб, дилини хушнуд*

<sup>1</sup> Эл деса Навоийни ... Маматкул Жўраев. Тошкент, «Чўлпон», 1991, 57-59 бетлар.

этишдан улугроқ иш борми?! Кўриб турибманки, ўзингиз хизматингизни сидқидилдан қиласяпти, мен бу ишларга гувоҳлик бераман. Ҳозир шу ерда фарзандингиз ҳаққига дуо қилинг, чунки шу соатда Аллоҳнинг даргоҳи очик турибди, инишоаллоҳ!», деган гапларни айтди. Мен маҳзидўзнинг оддий одам эмас, балки илм згаси эканлигини англадим. Гапларидан қалбим сел бўлиб оқди. Онажоним шу бозорнинг ўртасида узоқ дуо қилдилар... Ўша воқеадан сўнг қачон оғамнинг хизматларини қилсам, аввал ҳеч ҳис этмаганим бир ажаб улугварликни сезадиган, чарчогим тарқайдиган, таним роҳатланадиган, дилим яйрайдиган бўлди. Ишқалиб Аллоҳим мен бу роҳатдан бемаврида жудо этиб кўймасин-да...»<sup>1</sup>

Шу боис оила илк ахлоқий тарбия ўчоги сифатида ҳам катта аҳамиятта эгадир. Шу ўринда бошқа бир ривоятни келтириб ўтмокни жоиз санадик: «Ўғил кўзлари хиралашиб қолган, овқат еяётганида кўллари қалтирайдиган қари отасининг иззат ва ҳурматини бажо келтирмас эди. Бир куни чол бечоранинг кўллари қалтираб, ош сузиб берилган чинни косани тушириб, синдириб қўйибди. Буни кўрган келин нардон гаплар айтиб, унинг кўнглини вайрон қиласди. Ўғил эса отасини ҳовли этагидаги заҳ хонага кўчиради. Келин эса қайнотасига эски ёғоч косада, таом берадиган бўлди. Бундан кўнгли озор топган қария вафот этиб кетган камтирини эслаб, зор-зор ишларди. Унинг ёлгиз юпакчи ва сурнчиги беш ёшли набираси эди. Бола бобосининг ёнига келиб ўтиради, матьсумона сўзлари, ёқимли қилиқлари билан бобосининг кўнглини овлаб, унинг гам ва аламларини бир оз бўлса-да, енгилларатарди.

Бола қўлига пичоқ олиб бир ёғочни йўниб ўтирганида отаси: «Ўғлим, нима қиласяпсан?» - деб сўради. Бола юмушидан бош кўтмармаган ҳолда жавоб берди:

<sup>1</sup> Тоҳир Малик. «Одамнйлик мулкю»(Ахлоқ китоби) Тошкент , «Шарқ», 2008. 43-47 бетлар.

- *Дадајсон, ойим эски ёгоч косада бувамга овқат берадилар. Мен ҳам ёгоч коса ясаяпман, қатта бұлғанимда ойим билан сизге шу косада овқат бераман» - деди.*

*Гұдакнинг бу ибратли гапи отага таъсир илди. Ү дархол зах хонада етған отаси ҳузурига кирди, тиз үйкі ва күз ёш түкиб уздр сұради...»<sup>1</sup>*

Ота-онанинг фарзанд олдидаги бурчи ҳам улуг экан. Фарзандни дунёга келтириб қўйгани билан иш битмайди. Ота-онанинг фарзандларига илм ва яхши ахлоқ тарбиясини, хусусан, бадан тарбиясини ҳам бериш, жисмонан чиникириш, хусусан, сузишни ўргатиш каби вазифалари бор. Ислом Каримов таъбири билан айганда: «... фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта баҳтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласида, ҳеч шубҳасиз, бекиёс аҳамият касб этади». <sup>2</sup>. Ота-она фарзандини одобли, ахлоқли қилиб вояга етказгандар учунгина олкишга сазовор бўладилар. Ота-онанинг бурчлари ҳакида гал кетганда, фарзандига чиройли исм қўйиш маъсулиятини, вояга етганда уйлантириш (турмушга чиқариш) вазифасини вактида бажаришлари шартлигини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Баъзан эшитиб қоламиз, айрим ота-оналар турли баҳоналар билан бу вазифани галга солаверадилар... Ота-оналик бурчини тўғри адо этганларни Алдоҳ турли балолардан ва маломатлардан, беномусликлардан асрайди. Битта ҳақиқат бор, унутмаслик керак: ким ота-онасини дуосидан маҳрум бўлибди, жанинатдан маҳрум бўлибди.

Ота-онанинг фарзандга меҳри – яралишида бор десак, хато қилмаган бўламиз. Бундай меҳрни биз ҳатто жониворларда ҳам кўрамиз. Далада кузатган эдим: она совлиқ бояланган. Кўзичоқ ўйнаб юрибди. Бир маҳал ўзидан каттароқ қўзи билан сузишмоқчи бўлди. Бундан совлиқ хабардор бўлиб маъраверди. Арқондан кутилишга уринди. Кўзиси биқинидан биринки зарба еб еқилгач, совлиқ қаттиқ силтани-да, арқонни узди. Бу ҳолатда

<sup>1</sup> Тоҳир Малик. «Одамийлик мулки»(Ахлоқ китоби) Тошкент , «Шарқ», 2008. 43-47 бетлар.

<sup>2</sup> И.Каримов. «Юксак маънавият – енгилмас куч», Ташкент, «Маънавият», 2008., 4-бет.

«она меҳри арконни узди», деб сифатласак ҳам бўлар. Сиз ювош кўринган мушукнинг боласини олишга уриниб кўринг-чи, таламасмикан?!

...Учраб турадиган айрим ота ёки оналарининг ўз фарзандларига нима учун bemexhr эканликларининг сабабини англагандай бўламиз. Демак, Яратган раббимиз уларнинг кўнглидан раҳматини тортиб олиб қўйган экан. Бундайлар келажакда қандай ажр олишларини ўйлаб кўришармикан? Йўқ, ўйлашмаса керак. Чунки ундейларда имон бўлмайди. Факат имонсиз одамгина ўз фарзандларидан кечади. Етимхоналарда тирик етимларнинг ота-оналарига «ота» ёки «она» дейилмиш шарафли ном билан аташга тил ҳам ҳазар қиласди.

*Ривоят қўлурларким, ҳазрати Умар (р.а.) бир мўътабар одамни шаҳар ҳокими этиб тайинламоқчи бўлдилар. Котиб фармонни ёзишга киришган онда бир гўдак кириб амиралмуслимининг тиззаларга чиқиб, ўтириб олди. Халифа болакайни ўпид, эркаладилар.*

*Ҳокимликка тайинланадиган киши буни кўриб:*

*- Бу гўдак ўз ўғлингизми? – деб сўради.*

*- Йўқ, бу бир камбагалнинг фарзанди. Ота-онаси вафот этган.*

*Болани ўз тарбиямга олганман, - дедилар ҳазрати Умар.*

*У киши халифанинг мулойим қалбли, шафқат, марҳаматли эканликларига ажабланиб, деди:*

*- Менинг ўнта фарзандим бор. Мен ўз болаларимни ҳам эркалав, ўпмайман. Болаларим мени кўришганда зирхлаб туришади. Ота шундай бўлиши керак эмасми?*

*Халифа бу сўзларни эшишиб, ёзилган фармонни олиб йиртиб ташладилар-да, дедилар:*

*- Бу одамни ҳоким этиб тайинлашини истамайман. Ўз фарзандларига тошкўнгил бўлган одам халқга қандай манфаат етказиши мумкин?*

Ота-онани хурмат килиш катъий ва ўзгармасдир. Бу буйрукни бажариш ихтиёрий эмас, балки у ҳар инсоннинг бурчидир. «Уфф» сўзига

боглиқ икки маъно бор: Ота-онага ёмон сўз айтиб, беҳурмат қилмаслик. Мисол учун: ота-она иш буюрганда «уфф, тинч кўймас экансизда», ёки «уфф, шу гапларингиз ҳам жонимга тегди» «уфф, сизга ҳеч тушунтириб бўлмас эканда» каби норозиликни ифода этишни Яратган бизга ман этаяпти.

Ишдан чарчаб қайтдингиз ёки кўнглингиз бир нимадан ғаш. Ўзингизча «уфф» деб қўйдингиз. Билмайсизки, шу «уфф»ингиз билан ота-онангиз қалбини тилиб юбордингиз. Уларнинг «болам оғир синовга тушубди», деб озорланганларини англамадингиз. Энди улар кунлаб, балки ойлаб кўзларингизга термулиб, паришонлик булутининг куткарилишини кутадилар. Демак, биз ота-онамизни ташвишимизга шерик қилмаслигимиз керак экан. Фарзанд ота-онанинг хузурида ўзини канчалик хокисор тутса, шунча яхши тарбия кўрган бўлади.

Аллоҳ буюрадики «... ниманини хайр эҳсон қилсангиzlар ота-она, қариндошлиар, етимлар, мискинлар ва мусофиirlарга қилингизлар». Эҳсонга лойиқлар орасида ота-онаси бўлади. Отa-онасини мухтож қўйиб, улардан бошқаларга эҳсон қилишибдан нима фойда бор? Қишлоқларнинг бирида бу воқеага гувоҳ бўлган эдик. Биродаримизникида меҳмонда эдик. Кўшини эҳсонга таклиф этди. Чиқдик. Жуда кўп меҳмон айттилган экан. Биз ҳовлида, тут дарахти соясидаги сўридан жой олдик. Рӯпарамизда ошхона, унинг ёнидаги бир пастак ҳужра бор эди. Агар ўша ҳужрадан хаста овоз чиқмаса унда одам яшашига ишонмас эдим. Ўша ҳужрага кўп тикилаётганимини сезган биродарим, «у ерда соҳиби эҳсоннинг валидалар яшайди, бир оз хасталар», деб изоҳ берди. Мен «меҳмонларга жой ҳозирлаш учун каштароқ уйдан бу ҳужрага вактинчалик олиб чиқилгандир», деган ўйда эдим. Аммо эҳсон якунига етганича ҳам бирор у ҳужрадан хабар олмади. Бир пиёла иссиқ чой ёки бир бурда иссиқ нон олиб кирмади. Шундан сўнг биродаримдан «доим шу уйда яшайдиларми?» деб сўрашга мажбур бўлдим. Биродарим кўшинисининг сирини очаётганидан хижсолат бўлибми, аста «Ҳа» деб қўя қолди, бошқа изоҳ бермади. Бошқачароқ изоҳга ҳожати ҳам йўқ эди. Бу

*тез-тез учрайдиган воқеа эмас. Биз ҳам ваҳима қилмоқчи эмасмиз. Лекин бу даҳшатдан (ҳа, айнан даҳшат, айнан ёвузлик) деймиз кўз юма олмаймиз. Ақлни лол қолдирадиган даражада эҳсон дастурхонларига меҳмонларни чорлаганлари ҳолда оталари ёки оналарига ўзларининг эски кийимларини кийинтириб қўядиганлар озми ё кўпми?*

Ота-оналарини иззат қилувчиларни хаётда кўп учратамиз ва бундан кўнгилларимиз шодланади. «Менинг фарзандларим ҳам шундай солих бўлсин», деб ният килади. Ният килишимиз яхши, аммо шунинг ўзи кифоя эмас. Фарзанднинг олижаноб, фазилатли бўлиши факат унинг насл-насабига ҳам тааллукли бўлиб қолмайди.

*Қадимда ўғриларнинг қўллари кесилганини эшиштганмиз. Шундай ўғрилардан бирни ушланиб, жазога ҳукм қўшинганда бир қизча подишо ҳузурига келиб, тиз чўкиб йиглаганча ўтишиб сўрабди:*

- *Отамни жиноятлари учун қўлларини кесишни буюргансиз. Биламан, ҳукмингиз адолатли. Лекин отамнинг мендан кичик яна тўрт фарзандлари бор. Онамиз касалванлар, бизларни боқа алмайдилар. Агар отамизнинг қўлларини кестирсангиз, ҳаммамиз очдан ўламиз. Бизларга раҳм қилинг, отамизнинг қўлларини кестирманг. Агар қўл кесмасликнинг бошқа иложси бўлмаса, у ҳолда отамнинг қўллари ўрнига менинг қўлимни кеса қолинг.*

*Подишо бу гапни эшишиб, кичкинагина қизнинг ота-онасига муҳаббати бу қадар улуғлигидан ҳайратда қолди.*

- *Майли, отанг қўли ўрнига сенинг қўлингни кестирманан. Қўлингни бугун эмас, эртагача яхшилаб ўйлагин, кейин яна пушаймон еб юрмагин, - деди.*

*Эртаси куни жазо майдонида одам тўпланди. Қизнинг отасини келтирдилар. Қиз ҳам ҳозир бўлиб, отасига деди:*

- *Отажон, сира кўрқманг, мен подшога «Отамнинг юллари ўрнига менинг қўлимни кестиринг», деб ялиндим. Илтимосим қабул бўлди. Ҳозир менинг қўлимни кесиб, сизни озод қилишади».*

*Киз шундай деб, кундага қўлини юйди. Бу ҳолатдан подио ҳам, тўпланганилар ҳам кўз ёши тўкдилар. Қизнинг отаси озод этилди. Ота-болага илтифотлар кўрсатилди. Подионинг амри билан жазо майдонидаги кунда олиб ташланиб, унинг ўрнига бир мармартош тикланди-да, бу сўзлар ўйиб ёзилди:*

*«Бир ёшгина киз отасининг кўли ўрнига ўз қўлини фидо этишини истади. Шу киздек фарзандга эга бўлган ота-она қандай баҳтиёрдир...»<sup>1</sup>*

Бу мармартош фарзанд меҳрига қўйилган ўзига хос рамзий ҳайкалдир. Ҳаётда ҳеч ерда бундай ҳайкал йўқ. Аммо ота-она фарзандидан озгинагина меҳр кўрса ҳам унга ўз қалби туридан битта ҳайкал тиклайди. Бу ҳайкалнинг номи - шукроналик. Ота-онасини рози қилган фарзандга эса тубо (жаннатлардан бири ёхуд ундаги бир дараҳт номи) насиб бўлиши, Аллоҳ таоло умрини зиёда этиши ҳакида шарафли ҳадисда марҳамат қилинади. Ҳазрат Навоий таъбири билан айтиса - «Хурмати волидайн – фарзанд айн». Ота-онани ҳурматлаш – бажарилиши ўта зарур амалдир.

*... Бизнинг юртимизда ота-онасини ҳурмат қилувчилар кўп. Камина истиқома қилувчи «Илгор» маҳалласида Япония мамлакатидан келган бир ёш олим ижтимоий тадқиқот олиб борди. У маҳалладаги барча маросимларда иштирок этишига ҳаракат қилди. Унинг зийрак фаҳми фарзандларининг ота-оналарини бекиёс тарзда ҳурмат қилишиларини англабди. Бир куни у билан судбат чогида дунёга машҳур япон адиларининг асарларидан гап очдим.*

*- Ҳа, Япония улуг ёзувчиларга бой мамлакат. Менинг юртим илм-фанда ҳам илгарилаб кетган, - деди у. Аммо ҳар бир ҳалқ илм-фанда ёки адабиётда худди шундай, балки бундан ҳам аъзорок ютуққа эртами-кечими эришиши мумкин. Лекин сизнинг ҳалқингиз эришган бойликка ҳамма эриша олмайди. Айниқса, ҳозирги кунларда, ҳамма нарса илм-фан тараққиёт мезони билан ўлчаниб, маънавий оламдан узоклашаётган асрда қийин, гоят қийин. Мен*

<sup>1</sup> Тоҳир Малик. «Одамийлик қулъю»(Ахлоҳ қитоби) Тошкент , «Шарқ», 2008. 113 бет.

ғиризандарининг ота-оналарига меҳрибонлигини назарда тутаяпман. Бу мен учун янги оламдай туюлаяпти. Чунки мен бу оламни йўқотганман. Ҳозир ота-онам хаста. Акам кўшни оролда яшайди. Лекин бир неча ойлаб келиб кўролмайди. Келса, ишдан қолади. Ишдан қолса, вазифасидан ҳайдалади...<sup>1</sup>

Япониялик мемон шундай деб хурсиниб, кўзига ёш олган эди...

Кейинги пайтларда никоҳ муҳаббатнинг ўзаро чиқиши маслиги ҳакида Гарб мутафаккирлари тез-тез ёзадиган бўлиб қолдилар. Чунончи, Эрих Фромм индустрисал жамиятда муҳаббат камдан-кам ходиса эканини, никоҳнинг асосида бошқа бир – молиявий, сиёсий, иктисадий сабаблар ётишини тъвишлайди. Умуман, Гарб оламида бундай ҳодисалар анчадан бўён мавжуд.

Никоҳ ўз моҳиятига кўра ахлоқий ҳодисадир. Унда эҳтирослар ахлоқка бўйсундирилади. Оддий бирга яшашда табиий эҳтиёжни қондириш биринчи ўринда туради, никоҳда у иккинчи даражали мавқе эгаллайди.

«Исломда инсон табиатига, фитратига, яратилишига гоятда мос бир ҳатти-ҳаракат мавжуд. Эрнинг хотинига узоқ муддат яқинлашмаслиги ҳам дуруст эмас. Чунки у аёлнинг ҳам жинсий ҳодишлари бор, унинг ҳам эҳтиёжларини қондириши керак, деган маъно адолат қилишига чақирганлар. Шунинг учун исломда шаърий жинсий муаммога эътибор беришган, уни асло айб санашибмаган. Багъзан эр-хотиннинг ажратилиши сабабларини диққат билан ўргансангиз, оиласи бузилишига айнан жинсий муносабатлардаги етишимовчиликлар ҳам сабаб бўлиши мумкинлиги сира айтмайди. Бу айб саналади. Ҳатто айрим эрларнинг ёки аёлларнинг зинога юриб кетишларига ҳам бир-бирларини қониқмаганликлари сабаб бўладики, буни эътибордан четда қолдирин мумкин эмас.

Шаъбий (р.а) айтадилар:

«Бир аёл ҳазрати Умарнинг (р.а) ҳузурларига келиб: «Эй амирал мўминин, сизга инсонларнинг энг яхиси устидан шикоят қилгани

<sup>1</sup> Тоҳир Малик. «Одамийлик мулки»(Ахлоқ китоби) Тошкент, «Шарқ», 2008. бетлар.

келдим. У шундай одамки, яхши амал борасида унга етадиганлари оз. Кечалари тонгача намоз ўқийдилар ва кундузлари доимо рўзадор бўладилар», деганидан кейин уялиб, аслида айтмоқчи бўлган гапларини айттолмади ва: «Эй мўминларнинг амири, мени кечиринг», - деди.

- Яхши, дедилар ҳазрати Умар. - Аллоҳ седан рози бўлсин. Сен у одамни жуда яхши сифатлар билан мақтадинг. У ҳақда бундан ортиқ бирор нарса гапиришининг ҳожат ийъ..

“Аёл чиқаб кетгач, Каъб ибн Сур (р.а) дедилар:

- Эй амирал мўминин, аёл уялиб, шикоятини сўзлай олмади.

- Аёлнинг қандай шикояти бор эди?

- Аёл эридан «завжият (яъни эр-хотинлик) ҳак-хукуқларига риоя этмаётшир», деб шикоят қилмоқчи эди.

Бу гапни эшитганларидан сўнг ҳазрати Умар (р.а) аёлни орқага қайтариб, унинг эрига ҳам хабар юбордилар ва аёлнинг эри келгач, Каъбга:

- Ораларида сен ҳакамлик қил, дедилар.

- Сиз шу ердалигинизда мен қандай ҳакамлик қиласман?

- Мен тушунмаган нарсага сенинг ағлинг етди. Бинобарин, уларни эшиятуб, ораларида ҳукм этмоқ сенинг ҳаққингдир, - дедилар халифа.

Шунда Каъб ҳалиги одамга:

- Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло эрларига хитобан: «Агар етимларга адолатли бўла олмасликдан қўрқсангиз, силлар учун (никоҳи) ҳалол бўлган аёлларга иккита, учта, тўрттадан уйланаверинглар», дея марҳамат қилганига қўра, қўзи билан уч кун (нафл) рўза туттишинг мумкин. Тўртинчи куни тутмаслигинг керак ва кўпи билан уч кеча тонгача ибодат қилишинг мумкин. Тўртинчи кечада аёлингни ёнида ётишинг лозим, - дедилар.

Эр-хотин кетишгач, ҳазрати Умар Каъбга:

- Сенинг бу тонгонлигинг боягисидан ҳам гўзалдир, - дедилар ва Басрага қози этиб тайинладилар». Бу ривоятда гўзал бир донолик ҳам чараклаб турибди. Ҳазрати Умар эрга тўєридан-тўғри «эрлик вазифангни

*бажар», деб амр қилмадилар ва буни доно биродарларига топширилар. Катъ ҳам ўта нозиклик билан тушунтирилар. Чунки у киши ҳам «ибодатингни йигиштириб, хотининг билан бирга бўл», дея олмасдилар.<sup>1</sup>*

Оила бузилиши ҳам мумкин. Бунинг турлича сабаблари ҳам бўлиши мумкин. Бири – оилани ахлоқий нуктаи назардан бузилиши ҳисобланади. Бунда фарзандлар балоғатга еткач, эркин шахс сифатида янги оиласага асос бўлишлари – ўғил болалар уйлантирилиши, кизларнинг эса турмуш куриши назарда тутилади.

Уйлантирилган фарзандларга ҳам, турмушга берилган кизларга ҳам янги оила куриш ва уни моддий жиҳатдан дастлабки пайтларда муҳтожликдан саклаб туриш учун етарли бўлган уй-рўзгор ашёлари ажратилади. Шунингдек, оиланинг табиий бузилиши ҳам мавжуд. Унда отонанинг, ёки отанинг вафоти туфайли оила мулкининг мерос бўлиб бўлиб бир ёки бир неча фарзандга ўтиши муносабати билан оила бузилиши мумкин.

Бундан ташқари, никоҳ бекор қилиниши муносабати билан оила бузилади. Аслида никоҳ ҳам диний, ҳам дунёвий нуктаи назаридан бузилмаслиги керак. Лекин ўртада хиёнат содир бўлиши ёки яна бошка ҳар хил сабаблар туфайли никоҳни фақат ахлоқий обрўга эга, конун билан тан олинган идоралар, масалан, суд ва ваколатли мулла (талок бериш) бекор қилиши мумкин. Оилани мўъжазгина бир жамият деб фараз килсак, бутун инсоният жамиятнинг дахлсизлигини ва жипслигига боғлик. Оилавий муҳаббат одамлар орасида кенг тарқалган энг мустаҳкам муҳаббатdir. Шунинг учун ҳам у кишилар ҳаётига таъсир кўрсатиши жиҳатидан одамнинг энг муҳим энг ҳаётбахш туйгусидир. Ўз уйида баҳтли бўлган кишигина чинаккам баҳтлидир. Хароб уйдаги баҳтсиз одамлардан ташкил топган жамиятнинг ҳалокатга маҳкумлилиги шундан келиб чиқади. Ҳар бир инсоннинг оила олдида, оиланинг жамият олдида маъсулияти бор. Бу икки

<sup>1</sup> Тоҳир Малик. «Одамийлик мулки»(Ахлоқ ютоби) Тонкент, «Шарқ», 2008. 156-157 бетлар..

ижтимоий тушунчани бир-биридан айриш кийин. Соддароқ қилиб айтилса, оиласида ҳаловати йўқ одамнинг хизмат жойида ҳам ҳаловати бўлмайди. Ишидан ҳам барака кетади, хизматдошлари билан қўпол муомалада бўла бошлайди. Ёки, аксинча, ишида омади юришмаган, хўжайинлардан сўкиш эшитган одам уйга қайтганида аламини оила аъзоларидан олади. Агар ҳаётимизнинг барча максад-мазмуни оиладаги шахсий баҳтимиздан иборат бўлганида, шахсий баҳтимиз биргина оиладаги муҳаббатда ўз ифодасини топарди.

Айтганимиздек, оила ахлоқий ҳодисадир. Ҳар бир жамият мана шу сўнгти турдаги оила бузилишига карши курашади. Бундай бузилиши қанча камайса, у ўша жамият ахлоқий такомиллашиб бораётганини англатади.

«Бекажон» газетасининг 02.10.2015 йилги сонида «Бекажон сўровномаси» рукни остида «Турмуш куриш сабаблари ва статистика» куйидагилар эълон қилинган:

1. Севишган оилалаларнинг 38 % ўз танловидан мамнун; 42 % кўниккан; 20 % афсусда экани маълум бўлди. Демак, севишиб оила курган ҳар оиладан бирида муҳаббат туйгуси сўнган.

2. Дўстлик, ҳамкасблиқ, ота-она танловига кўра оила курган жуфтликларнинг 40% фоизи хаётидан баҳтли; 47 % кўниккан, 13 % эса норози эканлигини билдирган.

Умумий қизиқишлиар ва совчилик орқали курилган бундай оилаларда баҳтли жуфтликлар сони юкори. Бунга сабаб дея севгидан кўра ўртада мавжуд бўлган дўстлик, садокат, ўзаро тушуниш хислари устунилиги кўрсатилган.

3. Мажбурий никоҳлар, яъни ток ўтмаслик ниятида курилган оилаларнинг атига 7% фоизигина ўз хаётидан мамнун эканини билдирган. 47% кўниккан, қолган 46% баҳтсиз эканини тан олган.

4. Фарзанд кўриши истагида курилган оилалар кўпинча баҳтли кечаркан. Жуфтликларнинг 70% турмуш ўртоғи ва болалари билан баҳтиёрлигини айтишган.

## **5-Мавзу МУОМИЛА МАДАНИЯТИ ВА ЗАМОНОВИЙ АХЛОҚ**

1. Муомала маданияти - ахлоқий маданиятнинг таркибий қисми эканлиги.  
Муомала одоби ва унинг ахлоқий маданиятда намоён бўлиши.
2. Ахлоқий қадриятлар. Ахлоқий қадриятлар: хусусий ахлоқий қадриятлар; минтақавий ахлоқий қадриятлар.
3. Бурч. Бурчнинг ахлоқий моҳияти. Инсоннинг касбий одоби: олим одоби, журналист одоби.
4. Хукукшунос одоби, шифокор одоби, педагог одоби, мухандис одоби, тадбиркор ва савдо ходими одоби ва бошқалар.

Дастлабки ахлоқ маскани бўлмиш онлалар йигинидиси фуқаролик жамиятини, миллатни ташқыл этади. Фуқаролик жамияти моҳиятган оила билан давлат ўргасидаги даражадан иборат бўлади. Гарчанд, унинг тараккиёти давлат тараккиётаги фуқаролар хуқуқидан кейинроқ рўй берса хам, у албатта давлатни тақоза этади, яъни фуқаролик жамиятининг яшаши учун унинг олдида мустакил нимадир бўлиши лозим бўлади. Фуқаролик жамияти замонавий дунёмизда вужудга келади, зеро, хозирги пайтдаги ҳакиқатдан ҳам инобатга олинади. Бирок, у бошқалар билан ўзаро муносабатда бўлмасдан туриб, ўз мақсадига эриша олмайди. Натижада ҳар бир алоҳида мақсад бошқалар билан ўзаро муносабатлар воситасида, уларнинг фаровонликка интилишини қаноатлантиргани ҳолда, ўзи ҳам қаноатланади. Бошқачароқ қилиб айтганда, фуқаролик жамиятида яхши, бадавлат, баҳтли, хуқукий яшаш учун пировард натижада бутун жамиятнинг ўшандай яшашига олиб келади.

Фуқаролик жамияти, шундай қилиб, бир кишининг эҳтиёжини унинг меҳнати воситасида қондириш баробарида, шу меҳнат воситасида барча колганиларнинг ҳам эҳтиёжини қондиради. У ўз аъзоларининг шахсий эркинликлари ва хуқуқларини ҳимоя қиласди, одил суд воситасида улар мулкига дахл қилинишига йўл қўймайди. Фуқаролик жамияти турли табакалардан ташкил топади. Улар орасида табакавий ёки синфий зиддият сингари ҳодисалар рўй бериши мумкин эмас. Чунки бунда шахс – давлат фуқароси, муайян инсон манфаатлари биринчи ўринда туради ва бу

манфаатлари, айтганимиздек, ҳам әхлоқий, ҳам қонуний жиҳатдан химоя килинади.

Мамлакатимизда ҳозир эркин, демократик фуқаролик жамиятини тузишга киришганмиз. Бу жамият, маълум маънода, ғарбликтар тасаввуридаги фуқаролик жамиятларидан фарқ қиласи. Ғарбда бу борада эътибор асосан, ҳукукий йўналишнинг устиворлигига қаратилса, бизда ахлоқий-маънавий йўналишнинг устиворлигини кўриш мумкин. Шу нуткан назардан олиб қараганда, биз қураётган фуқаролик жамияти Ғарб дунёси учун ўрнак бўлиши мумкин. Бу фахрланиш хиссидан келиб чикқан баландпарвоз гап эмас. Масала шундаки, Ғарб жамиятлари ҳозирги пайтда ахлоқийликни ҳукуқийликдан юкори боскичи сифатида қабул қилмоқдалар. Лекин улар учун «ахлоқий ўрин бўшатишдан» кўра, «ҳукукий ўрин эгаллаб туриш» на факат конуний, балки завқлироқ туюлади. Бизнинг менталитетимизда эса, бунинг акси – ҳар бир «ахлоқий ўрин бўшатиш» ўзбек қалбига қувонч, ўз инсонлик бурчини бажарганлик хиссини тўлдиради.

Бундан ташқари, бизда фуқаролик жамияти қуришни маълум маънода тезлаштирадиган, Ғарб менталитетига хос бўлмаган маҳалалар бор. Ўзбек маҳалалалири том маънода ахлоқий тарбиянинг маскани. Оила катталари болага қанчалик тарбия бера олса, ўша оиласида яшаётган маҳалланинг тарбия борасидаги хиссаси ҳам шунча бўлади, десак хато қилмаймиз. Бунинг устига, маҳаллада ҳалқимизнинг қадимий демократик анъаналари ҳозир ҳам ўз кучини йўқотган эмас. Маҳаллада яшаётган, ҳукумат аъзоси ҳам, миллионер тижоратчи ҳам, фаррош ҳам, оддий ўқитувчи ҳам бир хилдаги маҳалладошлиқ «лавозимида» бўлади. Уларнинг фарқланиши факт ахлоқий жиҳатлар билангина белгиланади. Ана шу хусусиятлари билан маҳалла ўз-ӯзини бошқариш тузилмаси сифатида оиласдан фуқаролик жамиятига ўтиш учун ахлоқий кўприк бўлиб хизмат қиласи. Бундай оралиқ боғловчи тузилма, Ғарб оламида йўқдир. Демак, шунга кўра ҳам бизда жамиятига ўтиш нисбатан осонроқ кечади, деган фикр билдириш мумкин. Республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Шу маънода маҳаллани ўз-ӯзини бошқариш мактаби, таъбир жоиз бўлса, демократия дарсхонааси, деб аташ мумкин», - деган сўzlари айни ҳақиқатдир. Шунга кўра ҳам, бизда фуқаролик жамиятига ўтиш осонроқ кечади.

Буюк немис файласуфи Фридрих Гегель «Давлатни ахлоқий гоянинг еоқе бўлиши», - деб таътифлайди ва муносабатларни маънавий муносабатлар билан муқояса қилиб, ошлани – ҳиссиётга, фуқаролик жамиятини – асабнинг тизимига ўхшатади. Давлат аклиниг рӯёбга чикиши сифатида ҳар бир шахс ихтиёрига мосдир. Одатда, давлатнинг мақсади ўз фуқароларини бахтли килиш деб ҳисобланади. Агар фуқаролар кийналса, уларнинг субъектив эҳтиёж-мақсадлари кондирилмаса, давлатнинг мустахкамлиги шубҳа остида қолади. Давлатнинг асоси – сиёсий тузумидир. Унинг такдири ҳам ана шу сиёсий тузумга боғликдир. «*Ор-номус тамойилларининг асосий қондаларидан бири шундан иборатки. Ҳар бир одам ким бўлишидан қаттий назар, ўз ҳатти-ҳаракати билан ўзгалар ундан устун бўлишига йўл қўймаслиги жоиз*».<sup>1</sup>

Демократик тамойилларни амалга ошириш жараёнларида давлат, ҳамма фуқаролар баравар teng, деган усулда иш кўрмаслиги лозим, ҳамманинг ҳукукий тенглигини тан олган ҳолда, ижтимоий тенглаштириш тамойилига йўл қўймаслик керак.

Давлатнинг мавжуд бўлиш шарти, энг аввало, унинг суверенитетида. Бунда ҳалқ ташки оламга нисбатан мустакил бўлади ва ўз давлатини шу мустакиллик асосида тузади. Биз мустакилликка эришганимиздан кейин ўз давлатимизни қадимий давлатчилигимизни энг яхши анъаналари билан бирга замонавий демократик тамойиллар асосида куришга киришдик. Давлатимиз ҳам маънавий-ахлоқий, ҳам жисмоний тарбияга катта аҳамият бериб келмоқда. Ўзини энг инсонпарвар давлат деб эълон қилган Шўролар Иттифоқи бунёдга келгандан бошлаб, деярли ярим аср мобайнида бола туғилгач, онани уч ой ишдан озод киларди. Она уч ойлик болани боғчага ташлаб, ишга чиқишга мажбур бўларди, акс ҳолда у буйруқ билан ишдан бўшатиларди. Кейинчалик бу тарбия таътили 1 йил қилиб белгиланди. Бизнинг давлатимиз ташкил бўлгани баробаридаёқ бола тарбиясинни юксак ижтимоий - ахлоқий ходиса сифатида эътироф этиб, янги туғилган болани тарбиялаш учун онага 3 йилгacha муддат берди. З йилгача онани иш жойи сақланиб туради. Шу билан биргина мисолнинг ўзидаёқ тоталитар тузум давлати билан демократик давлат накадар катта

<sup>1</sup> Ҳакиқат манзаралари. 96 мунтоз файласуф, Тошкент, «Янги аср автоди», 2011., 346-бет.

фарқ қилишини кўрсатиб туради. Тоталитар тузум давлати ёлғон, алдов – ахлоқиззик институти. Биз танланган демократик давлатнинг асосида Эса юксак ахлоқийлик ётади.

Давлат ва фуқаролик жамиятидаги ахлоқий юксаклик даражасини фуқароларнинг ахлоқий маданияти белгилаб беради. Ахлоқий маданият шахснинг ахлоқий тажрибаларини эгаллаши ва бу тажрибалардан бошка одамлар бўлган муносабатларида фойдаланиши, ўз-ўзини мунтаззам такомиллаштириб бориши, ўз устида тинимсиз ишлаши сингари жиҳатларини ўз ичига олади. У шахс ахлоқий тараққиётининг белгиси хисобланади. Зоро ахлоқий маданият ахлоқий тафаккур маданиятининг катор унсурларини ўз ичига олган тузулмадир. У шахснинг ўзгалар билан ўзаро муносабатларида намоён бўлади.

Ахлоқий маданиятнинг энг муҳим унсурларидан бири муомала одебидир. У моҳиятан ўзаро ҳамкорликнинг шаклларидан биридир. Инсон зоти бир-бири билан ҳамкорлик қиласдан, ўзаро тажриба алмашмасдан, бир-бирига таъсир кўрсатмасдан расмана яшashi мумкин эмас. Муомила инсон учун эҳтиёж, зарурат, соғлом киши усиз рухан кийналади, кайфияти тушиб боради. Бу ўринда буюк инглиз ёзувчиси Даниэл Дефо қаламига мансуб машҳур «Робинзон Круzonинг саргузашлари» асарини эслашнинг ўзиёқ кифоя қиласи. Эсингиздами, Робинзон кимсасиз оролга тушиб қолади. Лекин Робинзонни бу фалокатдан нима куткаради? Эзгулик, Эътиқодлилик ва Эркинликка интилиш. У оролдаги ҳайвоноту ўсимликка эзгу муносабатта бўлади, шу сабабли у жисмоний мавҳ бўлмайди. Бир кун келиб, албатта, бу кимсасиз оролдан кетишига ишонади, натижада унда маънавий кувват ҳосил бўлади. Робинзон оролда эркин яшайди, оролдаги жониворларнинг эркин яшашига даҳл килмайди, уларга озор етказмайди. Эркинлик рухи уни ҳайвонотга, набобатга ва Жумабойнинг дўстига айлантиради<sup>1</sup>.

Муомала одоби бошка кишилар кадр-қимматини, иззатини жойига кўйишни, анъанавий ахлоқий меъёрни талабларни бажаришни такоза этади. Шунинг баробарида, у инсондаги яхши жиҳат ва фазилатларни намоён этиши билан ажralиб туради. Унинг энг ёрқин, энг сермазмун ва энг ифодали намоён бўлиши сўз, нутқ оркали амалга ошади. Сўзлаш ва тинглай билиш,

<sup>1</sup> М.Қажхорова. Маънавий идеал. Тошкент, «Маънавиг», 2008., 12-13 бетлар.

сұхбатлашиш мәданияти мұомаланинг мұхим жиһатларини ташкил этади. Шу боис мұомала одоби үзини, әңг аввало шириңсұханлик, қамсұқумлик, босиклик, камтаринлик, хушфөйллик сингари ахлоқий мезерларда ғана ён бўлади.

Мұомала одобининг яна бир «кўзгуси» бу – инсоний қараш, нигоҳ ташлашдир. Маълумки, инсоннинг қарашида, юз ифодасида, кўл харакатларида уннинг қай сабабларидандир тилга чиқмаган, сўзга айланмаган хиссиёт, талаблари ўз аксини топади. Чунонча, сұхбатдошининг ғапини охиригача эшитмай, кўл силтаб кетиш – мұомаладаги мәданиятсизлікни англатади. Баъзан қараб қўйишининг ўзи сўздан ҳам кучлироқ таъсир кўрсатади. Мұомала одоби кишиларнинг насиҳат ва одоб ўргатиши сез бир-бирига таъсири, тарбия ва ўз-ўзини тарбия воситаси сифатида диккатта сазовордир. Шу сабабли ёшлиаримизда мұомала мәданияти ва одобини шакллантириш хозирги кунда жамиятимиз олдида турган мұхим вазифалардан биридир. Бунда ота-онанинг, маҳалла-куйининг таъсири каттадир. Ундан фойдалана билиш лозимдир. Зоро, ахлоқий комилликка эришиш мұомала одобини эгаллашдан бошланади.

Ахлоқий мәданият яққол кўзга ташланадиган мұносабаларни кўринишларидан бири – бу этекет. У кўпроқ инсоннинг ташки мәданиятини, ўзаро мұносабатларидаги үзини тутиш конун-коидаларини бажарилишини бошқаради. Агар мұомала одобида инсон ўз мұносабатларига ижобий ёндошса, яъни бир ҳолатда бир неча мұомала қилиш имкониятига эга бўлса, этикет муйян ҳолат учун факат бир хил коидалаштириб қўйилган ҳатти-харакатни тақоза этади.

Этикетни қамрови жуда ҳам кенг, у маълум марьнода, ҳалқаро миқиёсда қабул қилинган мұомала конун-коидаларини ўз ичига олади. Масалан, сиёсий арбоб этикети, меҳмондорчилик этикети ва ҳ.к. Этикетга риоя қилишининг мумтоз намунасини биз тез-тез телевизор экрани орқали кўриб турамиз. Президентимиз Ислом Каримовга хорижий мамлакатлар элчиларининг ишонч ёрликларини топшириш маросимларини эсланг. Унда факат бир хил ҳолат, ҳалқаро миқиёсда ўрнатилган коида ҳукмрон. Уни Президентнинг ҳам, элчиларининг ҳам бузишга ҳаққи йўқ. Ёки жуда оддий, кичкина бир мисол: дастурхонда тановул пайти,

Пичоқни ўнг кўлда ушлаш замонавий меҳмондорчилик этикетининг катъий қоидаларидан бири саналади – уни бузиш атрофдагиларда хайрат ва истезо уйғотади. Шу боис этикетни одат тусига айлантирилган, катъийлаштирилган муомала одоби дейиш ҳам мумкин.

Этикет – тақалуфнинг энг кичкина жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муомала ҳодисаси ҳисобланади. Лекин, айни пайтда, у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади. Лекин, айни пайтда, у асл ахлоқий асосини йўқотган мажбурий мулозамат тарзида ҳам намоён бўлади. Этикет қоидаларини бажараётган киши аслида ўз ҳоҳиши-ихтиёрига карши иш кўраётган бўлиши ҳам мумкин. Бу жиҳатдан у мунофиқликнинг бир кўриннишига айланади. Масалан, сиз эрталаб ишга шошилиб, дарвозадан чиқдингиз. Рўпарангизда танишингиз ёки қўшнингиз учрайди. Сиз кўришиб, ҳол-ахвол сўрашиб уни: «Қани уйга кирамиз, чой қиласиз, бир ҳангомалашамиз», деб ичкарига таклиф киласиз. Лекин, аслида, сиз унинг уйга киришини асло истамайсиз, вақтингиз йўқ, хатто шу учрашганда кетган вақтингизни йўлаб, питирлаб турибсиз. Демак, сиз ўз истагингизга карши, этикет – мулозамат юзасидан ёлғон гапларни айтасиз, хунук эшигилса ҳам на илож – мунофиқлик қиласиз. Шунга қарамай, умуман олганда, этикет шаҳсни муайян тартиб-коидага, қандай ички руҳий шароитда бўлмасин, босиклика, мудойимликка, сабру-қаноатга ўргатиши аҳамиятлидир.

Ахлоқий маданият касбий одобда ҳам яққол кўзга ташланади. Чунки инсоният вояга етиб, бир касбнинг бошини тутгач, ўз касби доирасида одамлар билан мунтазам муносабатда бўлади. Бу муносабат, бир томондан, ҳамкасабалар даврасида рўй берса, иккинчи жиҳатдан, у касб талабига биноан учрашадиган турли тонфадаги одамлар билан юзага келади. Айни пайтда, касбий одоб ахлоқий маданиятнинг энг юксак шаклларидан биридир, унинг жамият ахлоқий ҳаётидаги ўрни юксак. Шу боис касбий одобга бемалол мурожат килишимиз жоиздир.

Ҳар бир жамиятда муайян гурухлар борки, эгаллаган касблари уларни бошка жамиядошларига нисбатан имтиёзли даражага олиб чиқади. Кўпчилик жамият аъзоларининг ҳаёт-мамотлари, соғлиги, маънавий

сағломлиги, хуқукий химояси, илмий салоҳиятининг намоён бўлиши каби омиллар ана шундай имтиёзли касб эгаларининг ўз касбий бурч маъулиятини кай даражада ҳис этишларига, ҳалоллик ва виждан юзасидан иш кўришларига боғлиқлиги ҳаммага ҳам маълумдир. Чунончи, тиббиёт ходимини ёки жарроҳни олайлик. Дейлик, у ҳар бир операция кунида бир неча инсонни хаётга қайтаради, юзлаб одамлар унинг ёрдамига мухтож, унга умид ва ишонч илинжи билан қарайдилар. Борди-ю, шахсий манфаат йўлида жарроҳ ўз беморига хиёнат қиласа-чи, яъни уни қасдан ҳалок этса-чи? Ким уни шундай қилмаслигини кафолатлайди. Ёки журналистни олайлик. У шахсий манфаати йўлида, касбининг камёблигидан фойдаланиб, бегуноҳ кишиларни маънавий азобга қўйиши, атайин жамият олдида шарманда ва шунинг ҳисобига ўзининг бაъзи муаммоларини ҳал килиб олиши мумкин эмасми? Мумкин. Зеро, то ҳакиқат юзага чиқкунича, ноҳақ танқидга учраган шахснинг адди тамом бўлиши ҳеч гап эмас. Ҳўш, журналистнинг шундай қилмаслигини ким кафолатлайди? Шу боис бошқаларнинг кўлидан келмайдиган ишларни бажара оладиганлар фаолиятида ўзбошимчалик, манфаатпарастлик, худбинлик ва касбни сунстельмол килиш сингари ишлатларга йўл қўймаслик учун, улар ахлокий даражасини юксак босқичда туришини таъминлаш мақсадида кўп ҳолларда ўзаро қоидалар мажмун яратилган. Бу қоидалар мажмуи, одатда, қасамёд ёки меъёрлар кўринишини олган. Уни бузиш ўта одобсизлик ва ахлоқсизлик, ҳатто жамиятга хиёнат тарзида баҳоланади.

Тарихда ўз душманини даволаган табиблар ҳам кўп учрайди. Масалан, қадимги хинд ҳалкининг эпоси «Рамаяна»да (П-аср) беҳуш ётган Лакшман бошида турган девлар шохининг хос табиби кечинмаларининг олдида икки йўл бор эди: бири – салтанат душманини мухтож бемор сифатида даволаш, иккинчи йўл бўлса даволашдан бош тортиш билан уни ўлимга маҳкум этиш. Табиб узок мулоҳазадан сўнг, табиблик одоб қоидаларига бўйсунишни – Лакшманни даволашни афзал кўради. Касбий одоб қонун-коидаларига кўра, бемор тўшаги устидаги табиб учун дўст ёки душман деган тушунчалар ўз маъносини йўқотади, унинг қошида факат тиббий ёрдамга зор, шафкатга мухтож, заиф инсон ётади. Даволаниб ҳаётга қайтган Лакшман девлар мамлакатининг тенгсиз буюк жангчиси ва салтанат валиахди хинд

Индирижидни жангда ҳалок этади ҳамда фуқаро бўлган Ланка давлатининг таназзўлига йўл очади. Лекин, китобхон табибни хиёнаткор ёки соткин демайди, аксинча, унинг маънавий жасоратига, ҳалоллигага, касбий бурчига содиклигига ҳайрат билан тасанинолар ўқийди. Ёки машхур рус олимси ақадемик Андрей Сахаровнинг тақдирини олайлик. Буюк назариётчи, физик, термаядро соҳасида тенги йўқ мутахассис, водород бомбасининг асосий кашфиётчиси, Ватан мудофаасини мустаҳкамлашдаги хизматлар учун ўнлаб орден ва медаллар соҳиби, икки марта Социалистик Мехнат Қаҳрамони, обрўли, бадавлат, бу инсонга нима етишмасди? Нега у ҳаммасидан кечишга – оммавий кирғин қуролларини, жумладан, ўзи яратган водород бомбаси синёвларга очиқ баёнотлар билан қарши чиқишига аҳд қилди. Натижада қатагонларга асосланган Шўролар тузуми уни илмий жамоатчиликдан ажратиб, пойтахтдан олисдаги Россия шаҳарларидан бирига бадарға қилди, унинг номини матбуотда ёки китобларда қайд этилишини таъкилди. Ваҳоланки, у ҳаммадан, иззатлирок яшай олиши мумкин эди. Сахаров юксак аҳлоқ йўлини танлади – олимлик бурчи, одоби таълабларини бажаришни ҳар қандай бойлик, иззат-икромдан баланд кўйди. Буюк олим ўз кашфиёти инсоннинг энг олий ҳукуқи бўлмиш – яшаш ҳукуқига рахна солиши мумкинлиги ва қисман солаёттани учун уни амалда қўлланишига қарши курашди. У шўролар мафкурасининг ўзини Ватан мудофааси қувватини сусайтиришга ҳаракат қилган салкам хиёнаткор фуқаро деб эълон этишига, бошига беҳисоб тухматлар, таъна дошномлар ёғдиришига сабот билан чидади, ахдидан кайтмади. Ёвузлик салтанати кўлида ўз олимлик истеъоддининг қўғирчок бўлишига, ҳарбий мурватга айланишига йўл кўймади. Натижада у инсон ҳукукларининг жаҳон тан олган энг буюк ҳимоячиларидан бири сифатида бутун инсоният таҳсинига сазовар бўлди.

Булардан ташқари, ўқитувчилик одоби, ҳукуқ-тартибот ходимлари одоби, муҳандис одоби сингари бир канча касбий одоб борки, улар ҳам жамиятда ахлоқий муносабатлар силсиласида муҳим аҳамиятга эга бўлади. Барча касбий одоб қонун-коидаларининг таъсир доирасини, микиёси бир хил эмас. Баъзи бир касбий одобнинг бузулиши оддий одобсизлик доирасидан чиқиб, ахлоқсизликка айланиб кетади. Масалан, раҳбарлик одобидаги баъзи нукталарга тўхталиб ўтайлик. Раҳбар куйи лавозимдагиларга менсимай,

кўпол муносабатда бўлиши, ўзига топширилган худул ёки ташкилотдаги оддий одамлар арз-додига, орзу-истакларига тўраларча совуккон караши одобсизликка кирса, унинг шахсий бойлик ортириши йўлида коррупция воситасида мамлакат, вилоят ёки ташкилот манфаатларини курбон қилиши, ахлоқсизлик, на факат раҳбарлик касбига, балки, Ватанига ҳам хиёнат тарзида баҳоланиши мумкин. Баъзан касбий одобни касбий ахлоқ деб аталиши ҳам шундан.

Юқорида келтирилгандардан кўриниб турибдики, касбий одоб муаммоси, айримлар ўйлаганидек, ахлоқшуносликнинг майда масалаларидан бири эмас. Уни ҳар томонлама ўрганиш касбий эркинлик ва касбий бурч муносабатини тадқиқ этиш XXI аср ахлоқшунослигида муҳим ўрин эгаллайди. Касбий одоб шахс ва жамият ахлоқий ҳаётида ўзини амалий ахлоқ тарзида намоён этувчи маънавий ҳодиса сифатида баҳоланиши лозим.

Инсоннинг ахлоқий ҳаёти унинг ахлоқий тарбияси билан чамбарчас боғлиқдир. Ахлоқий тарбия инсоннинг шахс бўлиб етишувини таъминлайдиган узлуксиз жараёнлардан биридир. Унда индивид ахлоқий қадриятларни англаб етади, ўзида ахлоқий фазилатларни баркарор этади, ахлоқий тамоийилар ва меъёрлар асосида яшашга ўрганади. Ахлоқий тарбия инсоният тарихи мобайнида икки муҳим масалага жавоб излайди: булардан бири қандай яшамоқ керак? Иккинчиси – нима қилмоғ-у нима қилмаслик лозим. Ана шу саволларга жавоб излаш жараёни ахлоқий тарбиянинг амалий кўринишидир.

Тарбия она қорнидан бошланади деган гап бор. Унинг асл маънosi, аввало, ота-онанинг ўзи ахлоқий тарбия кўрган бўлиши керак деганидир. Зоро, куш инида кўрганини қиласди. Ота-она оиласда юксак ахлоқ намунасини кўрсатиши лозим бўлади.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, ахлоқийлик инсонда факат ахлоқий тарбия воситасидагина вужудга келади, деган моддиятчилик қарашлари кўп йиллар мобайнида хукмронлик килиб келади. Тўгри, ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда каттадир. Лекин ахлоқийлик инсонга унинг инсонийлик белгиларидан энг муҳим сифатида берилган илоҳий неъматдир. Шу маънавий неъмат – асосни ахлоқий тарбия ёрдамида такомиллаштирамиз.

Ахлоқий тарбия инсон фарзандини такомилга, комилликка етказиш йўлларидан биридир. Унинг воситалари кўл. Уларнинг бир қисми анъанавий тарбия воситалари бири бўлса, яна бир қисми замонавий воситалардир. Одатда, ҳар икки воситалардан фойдаланади. Мактабгача бўлган ахлоқий тарбияда эртак ва ривоятлар воситасидаги анъанавий тарбия билан ўйинчоклар ва ўйинлар воситасидаги замонавий тарбия муваффакиятли кўлланилади. Бунда боланинг қизғанчилик, гирромлик қилмасликка, ҳалол бўлишга ўйинлар ёрдамида даъват этилади. Болалар ахлоқий тарбиясида телевидение, радио, кўғирчоқ театри, кино, мультфильм, хужжатли фильмлар катта аҳамиятга эга.

Умуман, ахлоқий тарбиянинг энг кучли воситаси – санъат. Бу восита ахолининг барча табакасини, турли ёшдаги шахсларни ва аудиторияларни камраб олади. Айнинса, санъатнинг бадиий адабиёт тури кенг қамровли бўлиб, эртакдан тортиб то романгача бўлган жанрларда чоп этилган асарлар шахснинг ахлоқий шаклланишида улкан хизмат кўрсатадилар. Улар оркали китобхон тарбияланувчи сифатида эзгулик ва ёвузлик нималигини идрок этади. Идеал инсонларни танлашда уларнинг аҳамияти жуда каттадир. Бундан ташқари, бадиий адабиётнинг бевосита ахлоқий тарбияга мўлжалланган ҳикоялар, ривоятлар, насиҳатлар, киссалар, достонлар мажмуалари борки, биз уларни юкорида кўрганимиздек, пандномалар деб атаемиз. «Калила ва Димна», «Қобуснома», «Фозил одамлар шахри ҳакида», «Ҳамса», «Махбуб ул-қулуб», «Гулистон», «Зарбулмасал» сингари бундай мумтоз асарлар анъанавий ахлоқий тарбия воситаси сифатида неча асрлардан бўён қанча-қанча авлодларга хизмат қилиб келмоқда.

## МУНДАРИЖА

<b>КИРИШ.....</b>	<b>3</b>
<b>1-МАВЗУ АХЛОҚШУНОСЛИК ФАНИ. УЧИНГ ТАДҚИҚОТ ДОИРАСИ, МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ.....</b>	<b>5</b>
<b>2- МАВЗУ АХЛОҚШУНОСЛИКНИНГ АСОСИЙ МЕЗОНӢИ ТУШУНЧАЛАРИ, АХЛОҚӢИ КАТЕГОРИЯЛАР.....</b>	<b>24</b>
<b>3- МАВЗУ АХЛОҚӢИ ТАМОЙИЛЛАР ВА МЕЪЁРЛАР.(ДУНЕ ХАЛҚЛАРИНИНГ АХЛОҚӢИ ТАМОЙИЛЛАРИ ВА МЕЪЁРЛАРИ).....</b>	<b>34</b>
<b>4-МАВЗУ ОИЛА, ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ВА ДАВЛАТНИНГ АХЛОҚӢИ АСОСЛАРИ ҲАМДА ШАХС АХЛОҚӢИ ТАРБИЯСИ.....</b>	<b>47</b>
<b>5-МАВЗУ МУОМИЛА МАДАНИЯТИ ВА ЗАМОНОВИЙ АХЛОҚ.....</b>	<b>65</b>

**Буортма № 25  
Хажми 4,75  
Адали 50**

---

**Самарқанд иктисадиёт ва сервис институти  
босмахонаси Самарқанд шаҳри Шоҳруҳ 60**